O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATASI
DIV. N

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

N 12 (245) • 2010 йил 20 март

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 16 март куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

17 март куни Кўксарой қароргоҳида Қозоғистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоевнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Президентлар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Президентлар хавфсизлик масалаларига алоҳида тўхталдилар. Терроризм, экстремизм, наркобизнес, қурол-яроғ контрабандаси, оммавий қирғин қуроллари тарқалиши каби таҳдидларнинг олдини олишда, уларга қарши курашишда ҳамжиҳатликда иш юритиш зарурлиги қайд этилди.

Мамлакатимиз раҳбари Афғонистон можаросига эътибор қаратиб, Марказий Осиёда ва ҳатто минтақамиз чегараларидан ташқарида ҳам хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш эканини таъкидлади.

Президентлар икки ва кўп томонлама асосда ахборот хавфсизлиги, энергетик ва экологик хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Айни пайтда озиқ-овқат хавфсизлиги ҳам долзарб эканини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалигида зараркунандалар ва ўсимликлар касалликлари, заҳарланган озиқ-овқат маҳсулотлари контрабандаси каби муаммоларга қарши биргаликда курашиш масалалари кўриб чиқилди.

Президентлар Ўзбекистон ва Қозоғистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида ўзаро мулоқотни давом эттирдилар. Унда асосий эътибор савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Дунёда молиявий-иқтисодий бўҳрон ҳукмронлик қилаётганига қарамай, Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичи изчил ўсиб бормоқда. 2007 йилдан бу борадаги кўрсаткич 1 миллиард АҚШ долларидан зиёд рақамни ташкил қилиб келмоқда.

Савдо-иқтисодий алоқалар давлатлараро муносабатларнинг асосий таркибий қисмидир. Ўзбекистон ва Қозоғистон бу борада улкан имкониятларга эга. Гарчи, товар айирбошлаш ҳажми юксалаётган бўлса-да, унинг кўрсаткичлари ана шу имкониятларни тўлиқ акс эттирмайди. Демак, экспорт-импорт маҳсулотлари номенклатурасини яна бир бор қайта кўриб чиқиш зарур. Бундан икки томон ҳам бирдек манфаатдор.

Ўзбекистонда самолётлар, автомобиллар, автобуслар, юк ташиш машиналари, қишлоқ хўжалиги техникаси, кабеллар, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади, пахта, пилла, мева ва полиз маҳсулотлари етиштирилади. Қозоғистонда буларнинг барчасига талаб бор. Айни пайтда Ўзбекистон бозорида ҳам Қозоғистон экспортчилари учун кенг фаолият майдони мавжуд.

Энергия манбаларини қазиб олиш, узатиш, транзит қилиш ҳам ҳамкорлик учун яхши соҳадир. 2009 йилда Туркманистон, Ўзбекистон, Қозоғистон орқали Хитойга табиий газ етказиб берадиган қувур ишга тушди. Бу кўп томонлама ҳамкорлик муваффақиятига ёрқин мисолдир. Мамлакатларимиз ёқилғи манбаларининг йирик захираларига эга ва бу соҳадаги алоқаларни ривожлантириш учун икки томонда ҳам имконият етарли.

Икки мамлакатнинг транспорт тармоқлари халқаро транзитдан келадиган даромадни кўпайтириш имконини беради. Автомобиль ва темир йўлларимиздан бир-бирига боғланган ягона умумий тизим сифатида фойдаланишни такомиллаштириш, экспорт-импорт ва транзит юкларнинг эркин ва янада тезкор ҳаракати учун шароит яратиш борасидаги ишларни изчиллик билан мувофиқлаштирилган асосда давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатларимиз ўртасида 2006-2010 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик дастури ва 2007-2016 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик стратегияси қабул қилинган. Бу ҳужжатлар савдо, сув-энергетика мажмуи, сармоя, молия, транспорт, коммуникациялар, божхона ва инновация борасида икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини ўзида мужассам этган. Уларни ҳаётга тўла татбиқ этиш орқали товар айирбошлаш кўрсаткичини бир неча ҳисса орттириш мумкин.

Музокарада таъкидланганидек, ишбилармонлар, ишлаб чиқариш корхоналари, вилоятлар ўртасида бевосита ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш зарур.

Икки мамлакатнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва интеллектуал салоҳияти биргаликда юқори технологияли корхоналарни ташкил қилиш, юксак даражадаги қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун яхши замин бўлади. Ўзбекистонда ҳам, Қозоғистонда ҳам катта миқдорда хом ашё мавжудлигини инобатга олиб айтиш мумкинки, айниқса, тўқимачилик, кимё, нефть кимёси каби соҳаларда қўшимча қийматни ошириш учун яхши ресурслар бор.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг илмий ва иқтисодий салоҳияти сув захираларидан унумли фойдаланиш борасида ҳам яхши имкониятлар очади.

Музокарада Марказий Осиёда сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди. Трансчегаравий дарёлар бўйида гидротехника иншоотларини барпо этишда минтақадаги ҳамма давлатларнинг манфаатларини, хавфсизлигини инобатга олиш, бу иншоотларнинг лойиҳасини мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар ҳақида сўз юритганда, бу йўналишдаги ҳамкорлик илм-фан, таълим, маданият ва санъат, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва спорт соҳаларини қамраганини таъкидлаш жоиз. Томонлар маданий-гуманитар ҳамкорликни янада фаоллаштириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Музокара якунида Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг Қўшма баёнотига имзо чекдилар. Шунингдек, Дипломатик ваколатхоналар биноларини қуриш учун ер участкаларини тақдим этиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2010 – 2011 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, 2010 – 2012 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокара очиқ, дўстона руҳда, ишчан кайфиятда ўтганини таъкидладилар.

– Ўзбекистон ҳам, Қозоғистон ҳам ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдордир, – деди Ислом Каримов. – 2009 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,3 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Бу 2006 йилдаги кўрсаткичдан икки баравар кўпдир.

– Ўзбекистон Марказий Осиёдаги йирик давлат, қадимий маданият марказидир, – деди Нурсултон Назарбоев. – Дунёда молиявий-иқтисодий инқироз ҳукм сураётганига қарамай, 2009 йилда Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланди. Ўзбекистон ва Қозоғистонда ўзаро ҳамкорлик кўламини кенгайтириш учун улкан имкониятлар мавжуд.

Куннинг иккинчи ярмида Президентлар Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу орзу-умидларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Қозоғистон Президенти миллий меъморчилик ва замонавий архитектура анъаналари асосида бунёд этилган муҳташам «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройини бориб кўрди. Пойтахтимиз марказида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларига юксак баҳо берди.

Олий мартабали меҳмон Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини зиёрат қилди. Ҳазрати Имом жомеъ масжиди билан танишди, Мўйи муборак мадрасасида бўлди, муқаддас Қуръоннинг энг нодир қўлёзмаси – Усмон мусҳафини кўздан кечирди.

Шу билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.



НАВРЎЗ ХАЛҚАРО НИШОНЛАНАДИ

Бир ой аввал, 23 февраль куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 64-сессиясида «Халқаро Наврўз куни» резолюцияси қабул қилинди. Унинг матнига мувофиқ БМТ Бош Ассамблеяси:

1) 21 мартни Халқаро Наврўз куни деб эътироф этади;

2) Наврўз нишонланадиган аъзо давлатларнинг Наврўз билан боғлиқ маданият ва анъаналарни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди;

3) аъзо давлатларни Наврўз ҳақидаги маълумотларни оммалаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини кучайтиришга ва зарур бўлганда, ушбу байрамни нишонлашга доир ҳар йилги тадбирларни ташкил қилишга ундайди;

4) халқаро ҳамжамиятда Наврўз мероси тўғрисида билимларни тарқатиш мақсадида Наврўз нишонланадиган аъзо давлатларни ушбу байрамнинг келиб чиқиш тарихи ва анъаналарини ўрганишга чақиради;

5) манфаатдор аъзо давлатлар ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, хусусан, унинг тегишли ихтисослашган муассасалари, Жамғармалари ва дастурларига, асосан таълим, фан ва маданият масалалари бўйича БМТ ҳамда манфаатдор халқаро ва минтақавий ташкилотларга, шунингдек ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларга Наврўз нишонланадиган давлатлар томонидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этишни таклиф қилади.

Интернет материали асосида.

УШБУ СОНДА:

1-бет Наврўзнинг қадри баланд

2-бет Корхонангиз манзили қаерда?

3-бет Маслаҳатни юрист беради

4-бет Аудиторлик ташкилотлари рўйхати

$1 = 1546,99 сўм € 1 = 2125,41 сўм £1 = 2345,70 сўм ¥10 = 170,77 сўм

КОРХОНА МАНЗИЛИ ТУШУНЧАСИ ҲАҚИДА

Қонун ҳужжатларида турли тушунчалар: корхонанинг «юридик манзили», «почта манзили», «ҳақиқатда жойлашган жойи» ишлатилади. Улар бир-бирларидан нималари билан фарқ қилади?

– Фуқаролик кодекси, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида» *(2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сон)*, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» *(1996 йил 26 апрелдаги 223-I-сон)*, «Хусусий корхона тўғрисида»ги *(2003 йил 11 декабрдаги 558-II-сон)* қонунлар ва бир қатор бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиладиган уставда почта манзили кўрсатилишини талаб қилади. Рўйхатдан ўтказилгач у юридик манзилга айланиб, хўжалик юритувчи субъектнинг реал жойлашган жойини (ташкилотнинг ижрочи органи доимо жойлашган жойни) белгилаши керак. Ташкилот жойлашган жой манзилини, талаб қилинадиган бошқа маълумотлар билан бир қаторда, рўйхатдан ўтказувчи орган давлат реестрига киритади ва солиқ органларига маълум қиладди, мазкур органлар уни Солиқ тўловчиларнинг ягона реестрига киритадилар ва статистика органларига ҳам маълум қиладилар,

улар эса уни Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри (КТЯДР)га қайд этадилар.

Ҳолбуки қонун ҳужжатларида юридик ва ҳақиқатдаги манзилларга таъриф берилмаган. Уларни тушуниш у ёки бу мутахассиснинг шахсий талқинига боғлиқ. Воқеликка энг яқин таърифлар қуйидагича бўлиши мумкин: **юридик манзил** – ташкилотнинг устави, давлат рўйхатидан ўтказиш гувоҳномаси ва юридик шахсларнинг давлат реестрида кўрсатилган унинг жойлашган жойи, **ҳақиқатдаги манзил** – ташкилот амалда жойлашган жой. Фақат **почта манзили** меъёрий жиҳатдан тушунтирилган, у – почта алоқаси тегишли объектининг почта индекси кўрсатилган ҳолда почта алоқасининг хизматларидан фойдаланувчи жойлашган жой. Бу тушунтириш Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари[1] 2-«Асосий тушунчалар» параграфининг 3-бандида келтирилган. Бунда мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат почта алоқаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишини ҳисобга олиш лозим.

Фикримизча, сўз ташкилотни давлат органларида рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш мақсадида унинг манзили тўғрисида борганида «жойлашган жойи» иборасидан фойдаланиш ўринли бўлади. Қисқаси, ташкилотнинг почта ва юридик манзиллари амалда фақат битта нарсани – унинг **жойлашган жойини** билдиради. Баъзан жойлашган жойни кўрсатганда фақат почта индекси – почта алоқаси объекти манзилининг шартли белгисигина кўрсатилмайди. Бироқ хат-хабарларни почта орқали жўнатиш учун уни кўрсатиш шарт. Қолган ҳолларда ушбу манзиллар фарқ қилмайди ва юридик шахснинг ҳудудий жойлашган жойи координаталарини ўз ичига олади: давлатнинг номи *(бир қатор ҳолларда унинг кўрсатилмаслигига йўл қўйилади)*, маъмурий-ҳудудий бирлик (вилоят, шаҳар, туман ва ҳоказо) номи, аҳоли пункти таркибий қисмининг номи (кўчалар, тор кўчалар ва ҳоказо), бинонинг кадастр рақами *(зарурат бўлганда бинонинг рақами қўшилади)*.

Ташкилотнинг почта, юридик ва ҳақиқатдаги манзиллари мос тушиши керакми? Улар фарқланиши мумкинми?

– Улар фарқланмаслиги керак. Ташкилотнинг почта ҳамда юридик ва ҳақиқатдаги манзили мос тушиши керак. Бошқача айтганда, ташкилотнинг амалдаги жойлашган жойи у рўйхатдан ўтказилганидан кейин ва манзили ўзгармагунига қадар уставда, давлат рўйхатидан ўтказилганлик гувоҳномаси ва, тегишинча, давлат реестрида кўрсатилган манзилга мос тушиши керак. Манзилнинг ҳар қандай ўзгариши тўғрисида рўйхатдан ўтказувчи органни 10 кун мобайнида ёзма равишда хабардор қилиш лозим. Бу ҳақда Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида низомнинг[2] *(бундан кейин – ПҚ-357-сон Низом)* 36-бандида, шунингдек Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида низомнинг[3] *(бундан кейин – 357-сон Низом)* 74-бандида айтилган. Хабардор қилинган пайтдан бошлаб юридик шахснинг ҳақиқатда жойлашган жойи рўйхатдан ўтказувчи органга маълум қилинган янги манзилга мос тушиши керак.

Ташкилот уставига манзил ўзгариши муносабати билан ўзгартишлар киритиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида янги гувоҳнома олиш зарурми?

– Аслини айтганда, қонунчилик манзил ўзгариши муносабати билан уставга ўзгартишлар киритиш ва қайта рўйхатдан ўтказишга мажбурламайди. Рўйхатдан ўтказувчи органни оддийгина хабардор қилиш таомили бежиз белгиланмаган. Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий қоидалар нуқтаи назаридан олганда хабардор қилиш керак бўлганда корхонани қаердан «излаш» хусусида ваколатли органларга маълум қилиш учун етарлидир. Бунда ПҚ-357-сон Низом билан тасдиқланган рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома бланкасида дастлабки рўйхатдан ўтказиш санасидаги манзил кўрсатилади *(мазкур ҳужжатнинг 6-иловасига қаралсин)*. Бироқ ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳар доим ҳам қонунчилик доирасига «мос келавермайди». Манзилни алмаштириш ҳолати ҳам бундан истисно эмас: субъектлардан уставга ўзгартишлар киритиш ва янги жойлашган жойи бўйича қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза беришни талаб қиладилар.



Корхона манзилнинг ўзгариши тўғрисида солиқ хизмати ва статистика органларини хабардор қилиши керакми?

– Қонунчилик юридик шахсни бунга мажбур қилмайди. Бу ҳақда уларга рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсдан хабарнома олинган пайтдан бошлаб 2 кун ичида маълум қилиши керак *(ПҚ-357-сон Низомнинг 36-банди, 357-сон Низомнинг 74-банди)*[4].

Ташкилот тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясини ўз манзилининг ўзгариши тўғрисида хабардор қилмагани учун раҳбар ёки бош бухгалтерга нисбатан бирор-бир санкциялар назарда тутилганми ва ким уларни қўллаши мумкин?

– Хабардор қилмаганлик учун раҳбарга нисбатан энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан 15 бараваригача миқдорда маъмурий жарима солиниши мумкин *(Маъмурий ҳавобгарлик тўғрисидаги кодекс (МЖТК)нинг 176-2-моддаси)*. Жаримани қўллашга солиқ органлари ҳақлидир *(МЖТКнинг 264-моддаси)*. Мазкур ҳуқуқбузарликда бош бухгалтер айбдор эмас, унга нисбатан санкциялар қўлланмайди.

Агар корхона манзил ўзгарганлиги тўғрисида 10 кунлик муддат тугаганидан кейин, бироқ унинг аввалги жойлашган жойида йўқлигини давлат органлари аниқлагунга қадар маълум қилса, раҳбарга нисбатан санкциялар қўлланадими?

– Бунда ҳам МЖТКнинг 176-2-моддасида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби расман олганда мавжуд, бироқ бу ҳолда раҳбарни МЖТКнинг 21-моддасига кўра маъмурий жавобгарликдан озод қилиб, унга ишни кўраётган давлат органи томонидан фақат огоҳлантириш билдирилиши учун асослар бор. Бундай ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли хусусиятга эга, чунки уни субъектнинг ўзи назорат қилувчи органлар аниқлашига қадар бартараф этган. Шу сабабли агар маъмурий иш юритиш қўзғатилса, давлат органининг раҳбари номига МЖТКнинг 21-моддасини қўллашга асосланиб илтимоснома топшириш зарур. Агар барибир жарима қўлланса, унинг устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Манзилларнинг мос тушмаслиги (унинг давлат органларига эълон қилинган манзилда жойлашмаганлиги) ва манзил ўзгарганлиги хусусида хабардор қилмаслик учун ташкилотни қандай оқибатлар кутади?

– Мазкур ҳолат аниқланганида солиқ органлари «йўқ бўлган» ташкилотнинг банк ҳисобрақамлари бўйича операцияларни тўхтатиш ва уни банкка ижро учун йўналтириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир *(Солиқ кодекси 96-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошиси, «Давлат солиқ хиз-*

---

[1] *ЎзААА бош директорининг АВ томонидан 2003 йил 16 июлда 1256-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан таасдиқланган.*

[2] *Президентнинг 2006 йил 24 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида» ПҚ-357-сон қарорига илова.*

[3] *Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» 357-сон қарорига 1-илова.*

[4] *Солиқ кодекси 84-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ рўйхатдан ўтказувчи органлар солиқ органларига давлат реестрига киритилган, юридик шахсларга тааллуқли бўлган ҳар қандай ўзгартишлар тўғрисида улар киритилган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай хабар қилишлари шарт. Кўриниб турибдики, манзилни ўзгартириш тўғрисида маълумотлар қисмида мазкур муддат ПҚ-357-сон қарор ва 357-сон Низомнинг юқорида кўрсатилган қоидаларига мос тушмайди.*

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 16 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1413,79	1 Малайзия ринггити	466,10
1 Англия фунт стерлинги	2345,70	1 Польша злотийси	548,87
1 Дания кронаси	285,75	1 СДР	2378,16
1 БАА дирҳами	421,26	1 Туркия лираси	1013,89
1 АҚШ доллари	1546,99	1 Швейцария франки	1459,84
1 Миср фунти	282,66	1 ЕВРО	2125,41
1 Исландия кронаси	12,30	10 Жанубий Корея вони	13,64
1 Канада доллари	1519,79	10 Япония иенаси	170,77
1 Хитой юани	226,63	1 Россия рубли	52,64
		1 Украина гривнаси	193,91

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	*Сана*	*АҚШ доллари*		*Евро*		*Россия рубли*	
		бирлиги	*курси*	*бирлиги*	*курси*	*бирлиги*	*курси*
Озарбайжон	18.03.2010	1	0,8033	1	1,101	1	0,0275
Арманистон	18.03.2010	1	404,36	1	553,61	1	13,85
Беларусь	19.03.2010	1	2961,00	1	4048,87	1	101,33
Грузия	18.03.2010	1	1,7327	1	2,3887	1	5,9354
Қозоғистон	19.03.2010	1	147,05	1	200,97	1	5,03
Қирғизистон	19.03.2010	1	44,9488	1	61,3544	1	1,5215
Латвия	19.03.2010	1	0,514	1	0,702804	1	0,0176
Литва	19.03.2010	1	2,5291	1	3,4528	10	8,6426
Молдова	18.03.2010	1	12,4748	1	17,1822	1	0,4278
Тожикистон	19.03.2010	1	4,3671	1	6,0634	10	1,5156
Ўзбекистон	16.03.2010	1	1546,99	1	2125,41	1	52,64
Украина	18.03.2010	100	797,60	100	1097,1786	10	2,7322
Эстония	18.03.2010	1	11,428	1	15,6466	1	0,391389

Манба: www.prime-tass.ru

УШБУ СОНДА:

❑ **УСТУВОРЛИКЛАР**
– Ҳамкорлик кўлами кенгаймоқда
– Наврўз халқаро нишонланади *1-бет*

❑ **ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР**
– Корхона манзили тушунчаси ҳақида
– Қизингиз талабалигидан хурсанд бўлинг
– Валюталар курси *2-3-бетлар*

❑ **АУДИТ**
– «Ташаббус-2010»: республика босқичига йўлланма олинди
– Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудит ўтказишга қўйилган аудиторлик ташкилотларининг рўйхати *4-бет*

❑ **БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ**
– Бошқарувчи ташкилот: мижозлар манфаати устувор
– Уй сиртидаги реклама – даромадимиз манбаи
– Ишбошиликни ким зиммасига олади? *5-6-бетлар*

❑ **top** *7-8-бетлар*

ҚАДРЛИ ЎҚУВЧИЛАР!

Ахборотларни тезкор етказиш мақсадидан келиб чиқиб, эндиликда газеталаримиз алоҳида – «Норма маслаҳатчи» сешанба, «Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси пайшанба кунлари чиқади. «Солиқ ва божхона хабарлари» газетасининг навбатдаги 12-сони 25 март куни, «Норма маслаҳатчи»нинг 13-сони эса 30 март куни чиқади.

«Norma» МЧЖ нашриёти.

Реклама

NORMA Электрон маълумотнома тизими

КОРХОНА ЮРИСТИ

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, 10а-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс:(998 71) 237-45-29.
E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

мати тўғрисида»ги Қонун (1997 йил 29 августдаги 474-I-сон) 5-моддаси биринчи қисми 8-бандининг учинчи хатбошиси).

Ташкилот тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига ўз манзилининг ўзгарганлиги тўғрисида маълум қилди. Бироқ кейинчалик солиқ инспекторлари бу ҳақда билмасликлари маълум бўлиб қолди: ахборот инспекциянинг бирор бўлимида йўқолиб қолган ёки рўйхатдан ўтказувчи орган бу ҳақда солиқ хизматини хабардор қилмаган бўлиши мумкин. Корхона раҳбари бунинг учун жавоб берадими?

– Йўқ, бу ҳолда унинг жавобгарлиги истисно этилади, чунки МЖТКнинг 176-2-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби мавжуд эмас. У ўз зиммасига юкланган хабардор қилиш мажбуриятини бажарган. Қолгани учун ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаган у ёки бу органнинг ходимлари жавоб беришлари керак.

Кўрамизки, юридик шахсда фақат битта манзил бўлиши керак экан, у айни пайтда ҳам юридик, ҳам почта, ҳам ҳақиқатдаги манзил ҳисобланадими? Бир нечта манзилга эга бўлиш мумкин эмасми: биттаси – юридик, бошқаси – почта, учинчиси – ҳақиқатдаги манзил бўларди?

– Бевосита ташкилотда битта манзил бўлиши керак. Юридик шахснинг жойлашган жойи унинг давлат рўйхатидан ўтказилган жойи билан белгиланади ва унинг ижрочи органи доимо жойлашган жой билан боғланган. Мазкур хулоса ижрочи органнинг мақоми ва ваколатларидан келиб чиқади, у, хусусан, юридик шахс номидан ишончномасиз ҳаракат қилади, шу жумладан унинг манфаатларини ҳимоя қилади ва битимлар тузади. Бироқ, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун 6-моддаси олтинчи қисмининг маъносидан маълум бўладики, жамиятнинг таъсис ҳужжатлари билан бошқа қоида ҳам белгиланиши мумкин: жамият жойлашган жой сифатида унинг бошқа бошқарув органлари (масалан, кузатув кенгаши) доимо жойлашган жой ёки унинг асосий фаолият жойи кўрсатилиши мумкин. Бунда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда акциядорлик жамиятлари учун бундай муқобиллик назарда тутилмаган. Хусусий корхоналарга эса бошқа бошқарув органлари масаласи умуман дахлдор эмас, чунки «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонун мулкдор раҳбардан бошқа органни назарда тутмайди.

Ташкилотда бир вақтнинг ўзида бир нечта манзилнинг бўлиши қонун ҳужжатларига зиддир. Бунда юридик шахс манзилини почта алоқасининг маҳаллий бўлимидан ижарага олинган почта (абонент) қутиси рақами ҳамда ташкилот таркибий бўлинмасининг манзили билан айнанлаштириш мумкин эмас. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида ушбу тушунчалар кўлинча чалкаштирилади. Натижада раҳбарият назорат қилувчи органлар билан муаммолар келтириб чиқара оладиган хато қарорлар қабул қилиши мумкин. Субъект турли туманлар, шаҳарлар ва бошқа жойларда хоҳлаганича абонент почта қутиларига эга бўлиши мумкин. Бунда ҳам, худди ташкилотнинг марказий офисидан ҳудудий жиҳатдан ажралган таркибий бўлинмаларнинг манзиллари сингари, чеклашлар мавжуд эмас. Қонунчилик уларнинг ўз манзиллари бўлишини тақиқламайди. Масалан, ташкилотнинг ишлаб чиқариш бўлинмаси бир туманда, офис эса бошқа туманда жойлашган. Бу ҳолда унинг асосий манзили юридик шахснинг ижрочи органи доимо жойлашган офис жойлашган жой бўлиши керак. Ишлаб чиқариш бўлинмасининг ўз манзили бор, унга ишлаб чиқариш учун хом ашё ва ҳоказолар етказиб берилади, зарурат бўлса унга юборилади-ган хат-хабарлар қабул қилинади.

Агар ташкилот бошқа туманга кўчиб ўтганидан кейин аввалги жойлашган жойидаги ижарага берувчи билан «почта манзили хизматлари» деб номланадиган хизматларни тақдим этиш шартномасини тузса, унга кўра ташкилот номига келадиган хат-хабарларни ижарага берувчининг ходимлари қабул қилиб, унинг янги манзилига етказсалар, ташкилотнинг манзили ўзгармаган деб ҳисобланадими, бинобарин, ҳеч кимни хабардор қилмаса бўладими?

– Мазкур ҳолда кўпроқ хат-хабарларни қабул қилиш ва жўнатиш (етказиб бериш) хизматлари тўғрисида сўз боряпти, чунки почта манзили фуқаролик ҳуқуқларининг, бинобарин, битимларнинг ҳам объекти бўлиши мумкин эмас. Исталган ҳолда бундай шартномани тузиш ташкилотни рўйхатдан ўтказувчи органни хабардор қилиш мажбуриятидан озод қилмайди, чунки унинг жойлашган жойи ўзгарган. Кўрсатилган «чизма» юридик шахс ва унинг раҳбарига назорат қилувчи органлар томонидан унинг эълон қилинган манзилда жойлашмаганлиги далилини аниқланиши билан боғлиқ нохуш оқибатлардан қочишда ёрдам бермайди. Ташкилот аввал жойлашган жойидаги почта алоқаси бўлинмаси билан бундай хизмат тўғрисида келишадиган вазият ҳам худди шундай.

Бино ёки хонани ижарага олиш шартномасини тузишда иш бирмунча бошқача аҳволда. Агар ижарага олинган объектда доимий асосда ижрочи орган жойлаштирилса, ижарага олинган кўчмас мулк манзили аввалгидек ташкилотнинг манзили бўлиб ҳисобланади, юридик шахс қолган бўлинмаларининг бошқа жойга кўчишига эса манзилнинг ўзгариши деб қаралмайди.

Ташкилотда лицензия бор. Юридик шахснинг жойлашган жойи ўзгарганда уни янгидан олиш керакми?

– Йўқ, керак эмас. Бироқ янги жойлашган жойдаги лицензиялаш органига мурожаат қилиб, амалдаги лицензияни қайта расмийлаштириш лозим. Ташкилотдан қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза қабул қилишдан аввал уставга ўзгартишлар киритиш ва қайта рўйхатдан ўтказишни талаб қилишлари аниқ. Шубҳасиз, лицензияланадиган фаолиятнинг ҳар бир турини тартибга солиш соҳаси ва алоҳида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжати бор, бироқ уларнинг лицензияларни қайта расмийлаштириш бўйича талаблари амалда айнан бир хилдир. Барча ҳолларда ушбу таомилнинг муддати лицензияни биринчи марта олишга қараганда анча қисқа, қайта расмийлаштириш чоғида давлат божини тўлаш назарда тутилмаган, қайта расмийлаштириш тўғрисида аризани кўриб чиқиш учун йиғим суммаси янги лицензия олиш учун мурожаат қилингандагига қараганда камроқ.

Корхонанинг асосий қисми (асосан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўлинмалари) Тошкентнинг бир туманидан бошқа туманига кўчди. Эски жойда фақат бошқарув аппарати – уч киши (директор, унинг ўринбосари ва бош бухгалтер) қолди. Бу манзилни ўзгартириш ҳисобланадими? Ташкилот ҳисобда турган солиқ инспекциясини корхонанинг асосий бўлинмалари энди бошқа туманда жойлашганлиги тўғрисида хабардор қилиш керакми?

– Бу ташкилот манзилини ўзгартириш ҳисобланмайди, чунки бошқарувнинг ижрочи органи аввалги жойлашган жойида қолган. Қонунчилик юридик шахсни таркибий бўлинмаларининг янги жойлашган жойи тўғрисида солиқ инспекциясини хабардор қилиши тўғрисида хабардор қилишга мажбур қилмайди *(мазкур контекстда алоҳида мол-мулкка ва мустақил балансга эга бўлган алоҳида бўлинмаларни мустақил солиқ ҳисобига қўйиш ҳоллари назарда тутилмайди).*

Ташкилот бўлинмалари бир неча жойларга «тарқаб кетган»: офис хоналари давлат рўйхатидан ўтказилган жойда ва бошқа жойларда мавжуд, директор эса иш вақти (кун, ҳафта) мобайнида бир нечта жойда бўлади, ҳамма жойда унинг иш кабинети бор. Бу ҳолда қаер ташкилот манзили ҳисобланади?

– Бунда амалдаги қонун ҳужжатларида бу борада аниқ қоидаларнинг йўқлиги боис қатъий жавоб бериш мушкул. Фикримизча, мазкур ҳолда директор ўз иш жадвалини шундай тартибга солиши лозимки, иш вақтининг кўп қисмида у юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган жойда бўлиши керак (ишончлилик учун ўша ерда бухгалтерия хизматини қолдириш лозим). Бу жой унинг доимий жойлашган жойи ва, тегишинча, ташкилот манзили бўлиб ҳисобланади.

БАЪЗИ ЯКУНЛАР

Амалиётда ташкилот манзилини ўзгартириш масаласи рўйхатдан ўтказувчи органни шунчаки хабардор қилиш ва лицензияларни қайта расмийлаштириш билан чекланмайди. Бунинг оқибатида бир талай бошқа ҳаракатларни амалга ошириш талаб қилиниб, уларни субъектлар у ёки бу ҳолларда бажаришларига тўғри келади. Сўз, хусусан, назорат-касса машинасини ҳисобга қўйиш жойини ўзгартириш, матбаа корхонасини қайта рўйхатдан ўтказиш, монополияга қарши органни хабардор қилиш (монополиячиларнинг давлат реестрига киритилган субъектлар учун зарур), хизмат кўрсатувчи банкни хабардор қилиш (юридик шахсларнинг барча тоифалари учун зарур) ва ҳоказолар тўғрисида боряпти. Бир қатор ҳолларда, масалан, лицензияни қайта расмийлаштиришга амалда аризани кўриб чиқиш билан янги лицензия олишга кетгандек вақт кетиши мумкин ва ҳоказо. Умуман олганда инстанцияларда ана шу расмиятчиликларни бажариш тадбиркорлик субъектларининг кўп кучи, маблағлари, вақтини олиб, уларнинг «бош оғриғи»га айланади ва залворли талабларни «четлаб ўтиш» йўлларини излашга мажбур қилади. Шу сабабли, фикримизча, вазиятни ҳам қонунчилик, ҳам амалий даражада ўзгартириш керак. Барча давлат органларининг давлат реестрига реал вақт режимида тўғридан-тўғри доимий кира олишини ташкил қилиш, бунда уларга давлат реестрига киритиладиган ўзгартишларни кузатиш ва уларни ўз фаолиятида ҳисобга олиш мажбуриятини юклаш муаммони ҳал қилиш вариантларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунингдек манзил ўзгариши муносабати билан лицензия ва бошқа рухсат бериш ҳужжатларини қайта расмийлаштириш, қайта рўйхатдан ўтиш зарурлиги тўғрисида ва бошқа талабларни бекор қилиб, фақат рўйхатдан ўтказувчи органларни хабардор қилиш мажбуриятинигина қолдириш мақбул бўларди.

Артём МОКШИН,
«Norma» МЧЖ эксперт юридик бўлимининг бошлиғи.

Таҳририятдан. *Мақоламизда тилга олинган мавзу кўп тадбиркорлар учун долзарбдир. Таҳририят ҳам уни давом эттиришга тайёр, фақат сизнинг ёрдамингиз керак. Биз рўйхатдан ўтказувчи органларнинг вакиллари, юристлар, муассислар, хўжалиқ юритувчи субъектлар раҳбарлари, ушбу масалада манфаатдор бўлган барча кишилардан мазкур соҳада турли вазиятларни тартибга солиш амалиёти тўғрисида хабарлар, уни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни кутамиз.*

ҚИЗИНГИЗ ТАЛАБАЛИГИДАН ХУРСАНД БЎЛИНГ

Ҳурматли таҳририят, қуйидаги масала бўйича тушунтириш бersангиз. Мен пойтахтдаги университетлардан бирида ўқиётган қизимни шаҳардаги институтга кўчирдим. Фанлардаги фарқни у белгиланган муддатда – 2009 йил 20 октябргача топширди.

Контракт учун тўловни биз институтда тўладик. Бироқ негадир қизимга 2 ой учун – университетдаги ўқиш вақти (сентябрь) ва фанлардаги фарқни топшириш вақти учун стипендия ҳисоблаб ёзишмади. Уларнинг тушунтиришларича, 2004 йил 16 апрелдаги 1339-сон Йўриқноманинг 14-бандига кўра бир ўқиш жойидан иккинчисига кўчирилган талабаларга стипендия ҳисоблаб ёзиш мумкин эмас экан. Ана шу фарқ контракт суммасини ҳисоблаб ёзишда ҳисобга олинадими деб сўраганимизда рад жавобини олдик, яъни икки ой учун стипендия куйиб кетибди. Масаланинг бундай ҳал қилиниши тўғрими?

Тушунтириш беришингизни кутиб қоламиз.

Ҳурмат билан доимий ўқувчингиз.

– Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги муваққат низом[1] *(бундан кейин – Муваққат низом)* мувофиқ, талабалар ўқишини кўчириш, одатда, ёзги таътил даврида, тегишли курс (семестр)да ўқув машғулотлари бошланишига қадар амалга оширилади. Ана шу ҳужжатда белгиланишича, талабаларнинг ўқишини кўчириш ёки қайта тиклашни расмийлаштиришда олий таълим муассасаси ректори ўрнатилган тартибда ўқув режалари ва дастурлардаги мавжуд академик қарзларни ёки фарқларни топшириш тартиби ва муддатларини **(ўқув йили бошлангандан кейин икки ойдан ортиқ эмас)** белгилайди ҳамда ўқитиш курси ва ўқишга қабул қилишнинг бошқа шартларини аниқлайди. Яъни олий ўқув юрти томонидан қонун билан белгиланган фанлар фарқини топшириш муддатларига риоя қилинган. Давлат олий таълим муассасаларида ўқишни кўчириш жараёни бепул амалга оширилади.

Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг[2] 14-бандига мувофиқ, бир олий таълим муассасаси (факультет)дан бошқасига ўтказилган талабаларга стипендия улар томонидан рейтинг назорати натижалари бўйича, ўқув режаларидаги тафовутлар бартараф этилганидан кейин тайинланади. Бундан келиб чиқадики, фанлар фарқи топширилган ана шу 2 ой учун стипендия тўланмайди.

Муваққат низомда назарда тутилишича: талабалар тўлов-контракт асосида ўқишга кўчирилганда контракт тузиш шартлари ва тартиби, шу жумладан тўлов воситалари ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби ҳақида низом[3] билан белгиланади. Унинг 17-бандида белгиланишича, таълим учун тўлов миқдори таълим йўналишлари, мутахассисликлари бўйича алоҳида ҳар ўқув йили учун бир талабага таълим бериш харажатларини тўла қоплаш миқдорида белгиланади. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, таълим олувчининг ўз ташаббуси билан узрли сабабларга кўра ўқишни тўхтатишга мажбур бўлгандагина, таълим муассасаси ўқишнинг амалдаги муддати учун сарфланган харажатларни ушлаб қолган ҳолда олдиндан тўланган пулларнинг тегишли қисмини қайтариб беради, қайта ҳисоб-китоб энг кам иш ҳақининг миқдори ўзгарган тақдирдагина амалга оширилади. Ҳужжатда контракт суммасини қайтариш, шунингдек қайта ҳисоб-китоб қилишнинг бошқа ҳоллари белгиланмаган. Шу тариқа, қонун ҳужжатларига мувофиқ сизнинг ҳолатингизда тўланган контракт суммаси қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

Мария ТУХТАРОВА,
«Norma» МЧЖ юристи.

[1]ОЎМТВ ва ВМ ҳузуридаги ДТМнинг АВ томонидан 2009 йил 17 июлда 1984-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган. **Муваққат низом 2010 йил 1 январгача амал қилди.**

[2]ОЎМТВ ва МВнинг АВ томонидан 2004 йил 16 апрелда 1339-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

[3]Таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1999 йил 6 августда 795-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

«ТАШАББУС-2010»: РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус-2010» кўрик-танловининг вилоятлар бўйича босқичи барча минтақаларда якунига етди.

Бухоро вилоятида кўрик-танлов ҳайъати «Сулшержаҳон» хусусий корхонаси раҳбари Шерали Султоновни «Энг яхши тадбиркор» йўналишида ғолиб деб топди. Вобкент туманилик «Олмазор» фермер хўжалиги раҳбари Маҳмуд Равшанов «Энг яхши фермер» йўналишида танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди. «Энг яхши ҳунарманд» йўналишида Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатаётган мис ўймакори Хуршид Фатуллаев ғолиб чиқди.

***

Кўрик-танловнинг **Тошкент вилояти** босқичида Қибрай туманилик «Истиқлол-Шукурова Г.Н.» фермер хўжалиги раҳбари Гўзал Шукурова «Энг яхши фермер» йўналишида ғолиб деб топилди. Юқоричирчиқлик Анвар Назаров «Энг яхши ҳунарманд», Тошкент туманидаги «Само» хусусий корхонаси раҳбари Бахтиёр Юнусов «Энг яхши тадбиркор» йўналишида ғолибликни қўлга киритди.

***

Фарғона шаҳрида ўтказилган «Ташаббус-2010» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунига кўра, «Палма гуллар олами» хусусий корхонаси раҳбари Ғайрат Умаров «Энг яхши тадбиркор», Тошлоқ туманидаги «Мухтора М.З.Х.М» фермер хўжалиги раҳбари Салим Қодиров «Энг яхши фермер», марғилонлик кандакор уста Алишер Мадалиев «Энг яхши ҳунарманд» йўналишида ғолиб чиқиб, ушбу кўрик-танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

***

Кўрик-танловнинг **Наманган вилояти** босқичида «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича Тўрақўрғон туманидаги «Тўрақўрғон-Ширинлик Агро» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Миразим Одилов, «Энг яхши фермер» номинациясида Косонсой туманидаги «Чашмаи Сафед» фермер хўжалиги раҳбари Ҳамидхон Мўйдинхўжаев, «Энг яхши ҳунарманд» номинацияси бўйича Чуст туманидан Раҳим Убайдуллаев ғолиб чиқиб, мамлакат босқичига йўлланма олдилар.

***

«Ташаббус-2010» кўрик-танловининг **Сирдарё вилояти** босқичида ўттиздан ортиқ тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар иштирок этди.

Унда Гулистон туманилик «Макровит» хусусий корхонаси раҳбари Виктор Урбанович «Энг яхши тадбиркор», шу тумандан бўлган «Бобоназар» фермер хўжалиги раиси Соҳиб Бобоназаров «Энг яхши фермер», Гулистон шаҳрида яшовчи зардўз Мадина Ҳожиева «Энг яхши ҳунарманд» йўналишлари бўйича ғолиб бўлдилар.

***

Урганч шаҳрида бўлиб ўтган танловда Урганч туманидаги «Йўлдош танобчи» хусусий фирмасининг раҳбари Анвар Бобожонов «Энг яхши тадбиркор», Ҳазорасп туманидаги «Азат-Қутлимурод» фермер хўжалиги раҳбари Сапорбой Қутлимуродов «Энг яхши фермер», Хонқа туманидан Мансур Қурёзов «Энг яхши ҳунарманд» номинациясида биринчи ўринни эгаллади.

***

«Ташаббус-2010» кўрик-танловининг **Самарқанд вилояти** босқичида беш юздан зиёд иштирокчи маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилган икки юз турдан ортиқ маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмлари билан қатнашди. Танловда Самарқанд туманидаги «Тиббиёт мебель» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мизроб Шарипов «Энг яхши тадбиркор» деб эътироф этилди. «Энг яхши фермер» номинациясида ғолиблик Оқдарё туманидаги «Ҳидоят Р.Ш.А» фермер хўжалиги раҳбари Ҳидоят Маматовага насиб этди. Самарқанд туманидаги «Конигил мерос» хусусий корхонаси раҳбари Зариф Мухторов «Энг яхши ҳунарманд» йўналишида биринчи ўринни эгаллади.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.

Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига

Молия вазирлиги Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг* талабларига мувофиқ Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан қуйидаги рўйхат тасдиқланганлигини маълум қилмоқда.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси
Давлат мулки қўмитаси раисининг ўринбосари
А.ДАЛИЕВ.
04/12-621сон

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг ўринбосари
М.МИРЗАЕВ.
ММ-17-02-32/81-сон

2010 йил 1 март.

Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудит ўтказишга қўйилган аудиторлик ташкилотларининг РЎЙХАТИ

Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик ташкилотлари

N	Аудиторлик ташкилотларининг номи	Минтақа
1	«Impuls Audit» МЧЖ	Тошкент ш.
2	«Buxgalter-Audit» МЧЖ	Тошкент ш.
3	«Консаудитинформ» МЧЖ	Тошкент ш.
4	«Marikon-Audit» МЧЖ	Тошкент ш.
5	« KORIFEY-AUDIT» МЧЖ	Тошкент ш.
6	«Аудит Глобал Маълумот» МЧЖ	Тошкент ш.
7	«Kamila Azim Audit» МЧЖ	Тошкент ш.
8	«Ekoaudit» МЧЖ	Тошкент ш.
9	«FINEKS» МЧЖ	Тошкент ш.
10	«Global-Audit» МЧЖ	Тошкент ш.
11	«DOK-AUDIT» МЧЖ	Тошкент ш.
12	«TSIAR - FINANS» МЧЖ	Тошкент ш.
13	«FTF-AUDIT» МЧЖ	Тошкент ш.
14	«Deloitte&Touche LLC» МЧЖ	Тошкент ш.
15	«HOLIS GURUH» МЧЖ	Тошкент ш.
16	«Trast-Audit» МЧЖ	Тошкент ш.
17	«Konsaudit-Adolat» МЧЖ	Тошкент ш.
18	«Mak Alyans Audit» МЧЖ	Тошкент ш.
19	«Nazorat-Audit» МЧЖ	Тошкент ш.
20	«Amulet Audit» МЧЖ	Тошкент ш.
21	«Amir-Audit» МЧЖ	Тошкент ш.
22	«XB FINANCE KONSULTING» МЧЖ	Тошкент ш.
23	ООО «TRI-S-Audit» МЧЖ	Тошкент ш.
24	«PriceWaterhouseCoopers» ШК	Тошкент ш.
25	«AUDIT-Kanon» МЧЖ	Тошкент ш.
26	«Audit-Varn» МЧЖ	Тошкент ш.
27	«Audit Income» МЧЖ	Тошкент ш.
28	«Prokar ekspert audit» МЧЖ	Тошкент ш.
29	«Ernst&Young» МЧЖ	Тошкент ш.
30	«Audit-Rumans» МЧЖ	Тошкент ш.
31	«OSIYO-AUDIT» МЧЖ	Тошкент ш.
32	«Diplomat-Audit» МЧЖ	Тошкент ш.
33	«Gloriya audit» МЧЖ	Тошкент ш.
34	«ARHAT Audit» МЧЖ	Тошкент ш.
35	«Марҳамат-аудит» МЧЖ	Андижон вилояти
36	«ZIYO-AUDIT» МЧЖ	Андижон вилояти
37	«Кафолат-Люкс» МЧЖ	Андижон вилояти
38	«ERKIN-AUDIT-XXI» МЧЖ	Андижон вилояти
39	«Қашқадарёконсаудитинформ» МЧЖ	Қашқадарё вилояти
40	«Zamin Oil-Audit» МЧЖ	Қашқадарё вилояти
41	«Hombur-audit» МЧЖ	Қашқадарё вилояти
42	«Samimiy-Hulosa» МЧЖ	Наманган вилояти
43	«Audires» хусусий аудиторлик корхонаси	Фарғона вилояти
44	«Himoya-Audit»	Фарғона вилояти
45	«TTT-AUDIT» МЧЖ	Фарғона вилояти
46	«Elite Invest Renome Audit» МЧЖ	Фарғона вилояти
47	«Komil-Ishonch» МЧЖ	Самарқанд вилояти

Хўжалик юритувчи субъектларда (очиқ акциядорлик жамиятлари, банклар ва суғурта ташкилотларидан ташқари) ташаббус тарзидаги ва мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик ташкилотлари

N	Аудиторлик ташкилотларининг номи	Минтақа
48	«Prom-AUDIT» МЧЖ	Тошкент ш.
49	«SIFAT -AUDIT» МЧЖ	Тошкент ш.
50	«STANDART -AUDIT» МЧЖ	Тошкент ш.
51	«AUDIT-KIM» МЧЖ	Тошкент ш.
52	«Faba-expert» МЧЖ	Тошкент ш.
53	«Audit-AS» МЧЖ	Тошкент ш.
54	«Progress Audit» МЧЖ	Бухоро вилояти
55	«Maslahat-audit-M» МЧЖ	Жиззах вилояти
56	«DAVR» МЧЖ	Наманган вилояти
57	«Akademik Audit» МЧЖ	Фарғона вилояти
58	«Xorazm-Adolat-Audit» МЧЖ	Хоразм вилояти
59	«Xarakat-Audit» МЧЖ	Тошкент вилояти
60	«Umirzoq-audit» МЧЖ	Тошкент вилояти

**Давлат мулки қўмитаси ва МВнинг 2007 йил 28 мартдаги 1668-сон қарори билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*

СРО: ДАСТЛАБКИ ТАНИШУВ

Хорижий тажриба

2010 йил 1 январдан бошлаб Россияда аудиторлик фаолиятини давлат томонидан лицензиялаш бекор қилинди, эндиликда аудиторлар ўз ишларини давом эттириш учун ўзини ўзи тартибга соладиган аудиторлик ташкилотлари (СРО)дан бирига аъзо бўлишлари керак, улар зиммасига аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари реестрини юритиш, СРО аъзоларининг малакасини ошириш ва улар ишининг сифатини назорат қилиш функциялари юкланган.

Нотижорат ташкилоти Аудиторларнинг ўзини ўзи тартибга соладиган ташкилотлари давлат реестрига киритилган санадан бошлаб ўзини ўзи тартибга соладиган ташкилот мақомини олади. РФ Молия вазирлигининг маълумотларига кўра, 8 нотижорат ташкилоти ушбу Давлат реестрига маълумотларни киритиш тўғрисида ариза берган, уларнинг бир қисми Молия вазирлигида муваффақиятли рўйхатдан ўтказилган. 2009 йил 15 декабрдаги ҳолат бўйича 11 651 аудитор ва 2 163 аудиторлик ташкилоти уларнинг аъзосига айланди.

2010 йил 1 январга қадар аудиторлик ташкилоти ёки якка тартибдаги аудитор ўзини ўзи тартибга соладиган ташкилотга аъзо эмаслиги далили аудиторлик фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилмас эди. Компаниянинг раҳбари ва бош бухгалтери аудит ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаётганда унинг СРО га аъзо ёки аъзо эмаслиги билан унчалик қизиқмасдилар, чунки 2009 йилда танлаётганда асосан аудиторлик фаолиятини юритишга лицензиянинг бор ёки йўқлиги талаб қилинар эди.

Энди аудиторлик хизматларининг истеъмолчиларига аудиторлик ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари реестрига киритилган аудиторларнинг ўзини ўзи тартибга соладиган ташкилотларидан бирига аъзо ҳисобланишини билиш муҳимдир. Буни билиш учун Молия вазирлигининг сайтига кириш ёки аудитордан ўзини ўзи тартибга соладиган ташкилотлардан бирига аъзолиги тўғрисида гувоҳлик берадиган ҳужжатларни сўраш кифоя қилади.

1 январдан бошлаб СРО аъзоси бўлмаган ташкилотнинг аудиторлик фаолиятини олиб бориши қонунга зид саналади. У билан аудит ўтказишга шартнома тузган компания аудиторлик текшируви натижалари бўйича нолегитим аудиторлик хулосасини олиш хатарига учрайди. Бундан ташқари, аудит ўтказиш харажатлари солиқ солиш мақсадлари учун асосланмаган деб топилиши мумкин. Ташкилотнинг албатта суд тартибида, аудит ўтказиш учун ноҳалол аудиторлик компаниясига тўланган пул маблағларини қайтаришни талаб қилишига тўғри келади.

Хорижий матбуот материалларидан.

БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

*Маърифий мавзудаги нашр**

МУНДАРИЖА:

✓ Бошқарувчи ташкилот: мижозлар манфаати устувор

✓ Уй сиртидаги реклама – даромадимиз манбаи

✓ Ишбошиликни ким зиммасига олади?

Ҳуқуқий саводхонлик бурчаги

БОШҚАРУВЧИ ТАШКИЛОТ: МИЖОЗЛАР МАНФААТИ УСТУВОР

ХУМШ ва квартира мулкдорларига хизмат кўрсатадиган малакали бошқарувчи ташкилот (БТ) ишининг самарадорлиги кўп жиҳатдан у мижозларнинг манфаатларини қанчалик тўлиқ ҳисобга олишига боғлиқдир. Гарчи унинг мақсади ҳам, ҳар қандай тижорат тузилмаси сингари, фойда олиш бўлса-да, бунга қандай бўлмасин эришишни оқлаб бўлмайди. Кўп хонадонли уй-жой фондига хизмат кўрсатишнинг ўз хусусиятлари мавжуд. Агар БТ мутахассислари ширкат ёки мулкдорлар жамоаси тимсолида буюртмачи уйга хизмат кўрсатилишидан мамнун бўлишини хоҳлашса, ўз ҳаракатларини улар билан келишиб олишлари лозим. Бу мижозлар хоҳишларини яхшироқ тушуниш, БТ фаолиятининг очиқ-ошкорлигини таъминлаш имконини беради. Акс ҳолда мижоз рақобатчига мурожаат қилиши ёки ўзига ўзи хизмат кўрсатишга ўтиб, умуман БТ хизматларидан воз кечиши мумкин.

БТ ва ХУМШ (мулкдорлар жамоаси) ҳамкорлиги чизмаси кўп жиҳатдан квартира мулкдорлари билан ширкат бошқаруви ўртасидаги муносабатларни эслатади. Аҳоли хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ишидан мамнун бўлиши учун мутахассисларга қуйидаги қадамларни қўйиш тавсия қилинади.

1. Кўп хонадонли уйни бошқаришга киришаётиб, мутахассислар ундаги **умумий мол-мулкнинг техник ҳолатини баҳолашлари,** унинг диагностикасини ўтказишлари керак. Ушбу объектив ахборот кейинчалик уйни сақлаш бўйича ширкатга (квартира мулкдорларига) таклифлар тайёрлаш учун асос бўлади. Умумий мол-мулкнинг техник ҳолатини баҳолаб, мутахассислар таъмирлашга эҳтиёжни аниқлайдилар ва ҳужжат билан қайд этадилар; айрим объектларнинг ҳолати тўғрисида далолатномалар ёки нуқсон қайдномаларини расмийлаштирадилар; мулкдорлар учун ахборот тайёрлайдилар. Агар умумий мол-мулкнинг таркиби илгари белгиланмаган бўлса, БТ ушбу босқичда мулкдорларга уни белгилаш ва улар билан ХУМШ аъзоларини умумий йиғилишда таништиришда ёрдам беришлари мумкин.

2. Мутахассислар **кўп хонадонли уйни сақлаш бўйича таклифлар лойиҳасини ишлаб чиқишга** киришадилар. Бу жойлар мулкдорларига техник-иқтисодий асосланмани тайёрлаш учун қилинади, улар ишлар рўйхати ва ҳажмларини, таъмирлаш режасини тасдиқлашлари керак. Бунинг учун БТ кейинги йилга уйни сақлаш бўйича ишлар (хизматлар) рўйхати ва ҳажмларини ўзгартиришнинг мақсадга мувофиқлигини таҳлил қилади, таъмирлашнинг кетма-кетлиги бўйича таклифларни ишлаб чиқади. Бунда таклиф қилинаётган устуворликни асослаш, агар мулкдорлар бошқарувчиларнинг тавсияларига эътибор бермасалар, бунинг эҳтимолий оқибатлари ҳақида тушунтириш зарур. Сўнгра ўз имкониятларидан ёки пудратчиларни жалб этишдан келиб чиқиб, барча ишлар (хизматлар), таъмирлашнинг қиймати баҳоланади. Мутахассислар уйни сақлаш ва таъмирлашга қўшимча даромадлар олиш имконияти, 1991 йилгача қурилган уйларни капитал таъмирлаш дастурига кириш эҳтимолини аниқлайдилар. Кейин даромадлар ва харажатлар сметаси лойиҳасини, капитал таъмирлашга маблағларни йиғиш тартибини ишлаб чиқиш ва мажбурий бадаллар миқдорини ҳисоб-китоб қилиш лозим. Мулкдорлар учун таъмирлашдаги устуворликлар ва уларни молиялаш бўйича асосланган ахборот, кейинги босқичда керак бўладиган сўров варақалари тайёрланади.

3. Келгуси йил ва истиқболдаги иш режалари лойиҳалари ҳамда таъмирлаш, харажатлар сметаси тўғрисидаги **фикрларини аниқлаш учун мулкдорларни** умумий мол-мулкнинг ҳолати тўғрисида **хабардор қилиш**. Буни уларни уйларни сақлаш ва таъмирлашга тааллуқли муҳим масалаларни муҳока-

**Таҳририят ихтилофли вазиятларни ҳал қилишда иштирок этмайди ва уларни ечишга кўмаклашиш ваколатига эга эмас.*

Мавзувий сошни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

ма қилишга жалб этиш; уйда яшовчиларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда ҳужжатлар лойиҳаларига тузатишлар киритишга интилиш тақозо қилган. Квартира эгалари орасида сўров ўтказиш, уй фаоллари билан учрашувлар уларнинг нимани афзал кўришлари, БТ таклифини қабул қилиш ёки қабул қилмасликка, ҳужжатларнинг лойиҳаларига қўшимча ва ўзгартишлар киритишга тайёрликларини аниқлашда ёрдам беради.

4. БТнинг ХУМШ аъзоларининг (жой мулкдорларининг) умумий йиғилишида иштирок этишга тайёрланиши. Бунда хизмат кўрсатувчи ташкилот мулкдорларни ўзи умумий йиғилишда тақдим этадиган барча ҳужжатларнинг лойиҳалари билан олдиндан таништириши керак. Булар – ўтган йилда уйда қилинган ишлар ва ўтказилган таъмирлаш тўғрисидаги ҳисобот, янги йил учун иш режалари ва таъмирлаш лойиҳалари, даромад ва харажатлар сметаларидир. Мутахассислар аҳолини улар ҳужжатлар билан қаерда (компания ёки ХУМШ офиси, уй қўмитаси раиси, йўлак бўйича бошлиқ ва ҳоказо) таниша олишлари мумкинлигидан хабардор қиладилар, учрашувлар ўтказадилар, маслаҳат, тушунтириш берадилар.

5. Умумий йиғилишни ташкил этишга кўмаклашиш. У фақат БТ мутахассисларининг хоҳишига кўра кўрсатилади ва ХУМШ (мулкдорлар) ишига аралашиш, уларнинг мустақил фаолиятини БТ иши билан алмаштириш тусида бўлмаслиги керак. Бошқарувчи ташкилот бошқарувга (мулкдорларга) умумий йиғилиш ўтказишнинг баъзи ташкилий масалаларини ҳал этишда ёрдам бериши, масалан, хона тақдим этиши; кун тартибини, бошқарув шартномаси шартларини ўзгартириш бўйича таклифларни тайёрлашда кўмаклашиши; йиғилиш тўғрисида билдирувномалар, овоз бериш учун рўйхатдан ўтказиш варақлари ва бюллетенларининг зарур миқдорини тайёрлаши ҳамда чоп этиши мумкин.

6. БТнинг ХУМШ аъзолари (мулкдорлар)нинг умумий йиғилишида иштирок этиши. Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг вакили мулкдорларни БТ уларнинг манфаатларини кўзлаб ишлаётганлиги, кўп хонадонли уйни малакали бошқариб, бошқарув шартномасида назарда тутилган ўз мажбуриятларини бажараётганлигига ишонтириши керак. У умумий йиғилишнинг қарори билан тасдиқланиши учун ўтган йил ҳисоботи, ишлар ва таъмирлаш режалари (шу жумладан ҳажмлари, рўйхати, бажариш муддатлари), даромадлар ва харажатлар сметалари, умумий мол-мулкни сақлашга мажбурий бадаллар миқдорини тақдим этиши керак, мазкур бадаллар умумий мол-мулкни бошқариш, унга хизмат кўрсатиш, жорий ва капитал таъмирлаш, уй атрофидаги ер участкасини ободонлаштирган ҳолда сақлаш харажатларини компенсациялаши керак. Умумий йиғилиш БТ таклиф қилган капитал таъмирлашни молиялаш тартиби, бошқарув шартномасига ўзгартишларни ҳам тасдиқлайди, давлат дастури доирасида капитал таъмирлашни ўтказишда аҳолининг иштирокини таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

7. Қабул қилинган режаларнинг амалга оширилиши ва натижалари тўғрисида мулкдорларни мунтазам хабардор қилган ҳолда уларни рўёбга чиқариш.

УЙ СИРТИДАГИ РЕКЛАМА – ДАРОМАДИМИЗ МАНБАИ

ХУМШларнинг аксарияти кўп қаватли уй таъминоти ва уни сақлаш харажатлари учун қўшимча маблағларни қаердан топишни билмайди. Ҳолбуки бундай мақсадларга керакли пул, таъбир жоиз бўлса, уларнинг оёқлари остида ётибди, аниқроқ қилиб айтганда, кўп квартирали уй мулкдорларининг умумий мол-мулки саналган ва улар ўз ихтиёри билан фойдаланиши мумкин бўлган уйларнинг сирт ва ён тарафлари, том пештоқларида реклама қурилмаси тарзида шундоққина «осилиб» ётибди. Кўп қаватли уйнинг айрим қисмларига рекламани жойлаштирганлик учун, яъни умумий мол-мулк ижараси учун реклама тарқатувчилар ХУМШга ҳақ тўлашлари шарт. Шунга қарамай, яқин-яқинларгача бу манба ХУМШ даромадлари рўйхатида муносиб ўрин топмаган эди.

Баъзи ширкат раҳбарлари рекламани ўз уйлари фойдаси учун ишлатиш ва шу йўл билан дурустгина пул ишлаб олиш имконияти устида ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Кимдир буни қандай қилиш кераклигини тасаввур ҳам қилмайди. Бунга уриниб кўрмоқчи бўлганларнинг айримлари мулкдорларнинг умумий мол-мулкидан фойдаланганлик учун арзимаган ҳақ теккач, ҳафсаласи пир бўлади ёки пуллар умуман ширкат кассасига келиб тушмайди. Бу йилдан эътиборан вазият тубдан ўзгарди. **Тошкент шаҳар ҳокимининг «Тошкент шаҳрида ташқи рекламани жойлаштириш фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори** *(2009 йил 22 декабрдаги 659-сон)* билан реклама қурилмаларини кўп қаватли уйларда жойлаштирганлик устидан назорат қилиш, шу иш юзасидан олинган маблағлар ҳисобини олиб бориш ва улардан белгиланган мақсадда фойдаланилишини назорат қилиш пойтахт ХУМШлари ассоциацияси зиммасига юклатилди. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг реклама-ахборот фаолияти комиссияси *(бундан буён матнда Комиссия деб юритилади)* таркибига **Тошкент ХУМШлари Ассоциацияси бошқаруви раиси А.Х.Набиев** киритилди.

Тошкент шаҳар ХУМШлари ассоциацияси ходимлари кундалик масалаларни муҳокама этмоқдалар.

– Биз мониторинг ўтказиб, пойтахтдаги кўп квартирали уйларда 157 та реклама қурилмаси (улардан 87 таси бино пештоқида, 70 таси томда) ўрнатилганлигини аниқладик, – дейди **Тошкент шаҳар ХУМШлари Ассоциацияси бош муҳандиси Раиса Ли**. – Бу қурилмаларни ўрнатишда ширкатлар билан реклама тарқатувчилар ўртасида мулкдорлар умумий мол-мулкининг бир қисмини ижарага олиш юзасидан келишув, шартномалар тузиш масаласида тез-тез низолар чиқиб қоларди. Бундан ташқари, реклама майдони ижараси учун ягона тариф йўқлиги сабабли ҳам ихтилофлар келиб чиқарди. Кўпинча ХУМШлар билан шартнома тузилмас, бинобарин рекламадан келадиган даромадлар ширкатларнинг ҳисоб-китоб рақамига тушмас эди. Ҳолбуки реклама қурилмаларини ўрнатиш томни, уйнинг пештоқи ва сирт тарафларини рисоладагидек сақлаш учун қўшимча сарф-харажатлар келтириб чиқарган, уйларнинг тузилмасига шикаст етказган ҳоллар кўп. Реклама

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

тарқатувчилардан кўрилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаблар натижасиз қоларди. Биз шаҳар ҳокимлигига бу жараённи тартибга солиш таклифи билан мурожаат этдик. Ниҳоят, ҳокимнинг тегишли қарори чиқди.

Реклама қурилмаларини жойлаштирганлик учун тавсия этилаётган минимал тарифлар Комиссия билан биргаликда ишлаб чиқилди. Бу тарифлар кўп қаватли уй жойлашган зонага, реклама қурилмалари ҳажмига боғликдир.

Эндиликда реклама қурилмаларини уйларнинг пеш ва ён тарафларига, том пештоқларига жойлаштирганда реклама тарқатувчи, ширкат ва Ассоциация ўртасида уч тарафлама шартнома тузилади. Реклама берувчилар ана шу майдонлар ижараси учун ҳақни Ассоциациянинг махсус ҳисобварағига ўтказади. Бу маблағларнинг 85 фоизи ширкатнинг ҳисоб-китоб варағига ўтказилади. Ассоциация бу маблағлар белгиланган мақсадда – ХУМШларни ривожлантириш учун фойдаланилишини назорат қилиб боради. Маблағлар муҳандислик коммуникациялари, том ва йўлакларни таъмирлашга, ҳудудни ободонлаштиришга йўналтирилмоғи керак. Ижара ҳақининг 15 фоизи Ассоциация ихтиёрида қолади ва жой мулкдорларига таълим бериш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга йўналтирилади. Бинобарин, ширкатнинг муваффақиятли ишлаши мулкдорлар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билишларига боғликдир.

РЕКЛАМАНИ ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ ҲАМ ЙЎЛИ БОР

Тошкент шаҳрида ташқи рекламани жойлаштириш тартибига (Тошкент шаҳар ҳокимининг 2007 йил 26 декабрдаги 1148-сон қарори билан тасдиқланган) мувофиқ ташқи реклама тарқатувчи Комиссиянинг ишчи органи бўлмиш «Тошкент Реклама Сервис» давлат унитар корхонасига кўп квартирали уйга ташқи реклама қурилмасини жойлаштириш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилади, баланс эгаси, (бу ўринда ХУМШ) билан келишув бланкасини олади. Сўнгра ташқи рекламани жойлаштиришга ёзма розилик олиш учун ширкатга бориб учрашади, ширкат раҳбари уйда яшовчилар уйнинг муайян қисмини реклама қурилмаси жойлаштириш учун ижарага беришга рози эканликларини мустаҳкамловчи устав асосида ёки умумий йиғилишнинг баённомаси асосида розилик билдиради ва бу ҳол бланкада акс эттирилади.

Шундан кейин реклама тарқатувчи рекламани жойлаштиришни Ассоциация билан келишиб олади. Агар ширкат розилик билдирган бўлса, Ассоциация вакили реклама қурилмасини ўрнатиш билан боғлиқ техник жиҳатларни аниқлаштириш учун жойга бориб кўради, сўнгра бу ташкилот ХУМШ розилигини тасдиқлаб, уни рўйхатга олади. Бланка Ассоциация ва ширкат билан келишиб олинганидан кейин реклама тарқатувчи Комиссияга рекламани жойлаштириш учун рухсат сўраб мурожаат этади, унинг рухсатини олгач, уч тарафлама шартнома тузилади. Шартномада рекламани жойлаштириш муддати, ижара ҳақи миқдори, умумий мол-мулкка етказилиши эҳтимоли бўлган зарарни қоплаш таомили, шартнома ижроси учун тарафларнинг жавобгарлиги назарда тутилади.

Янги тартибга мувофиқ шартнома тузилганда тарафлар ўртасида келишмовчиликлар келиб чиқмайди. Рекламага рухсат (реклама жойлаштириладиган жойнинг паспортини) олган ташкилот ишга киришишдан аввал ҳисобга туриш учун Ассоциацияга мурожаат этиши керак. Ширкатларнинг юристлари реклама тарқатувчиларга қайта рўйхатдан ўтиш ва шартномаларни қайта тузиш зарурлиги ҳақида хат юбориши керак. Бунинг учун қандай ҳужжатлар кераклиги ҳақида ахборот материаллари тайёрлаб қўйилди.

Ташқи рекламани кўп қаватли уйларга жойлаштириш ширкатларнинг аксариятига молиявий аҳволни яхшилаб олишда ёрдам беради. Ҳуқуқий жиҳатдан етарлича билим ва маълумотга эга эмаслиги боис ширкатлар қўшимча даромад олиш имкониятини бой бермоқда. Ассоциациянинг назорат қилиб бориши бу жараённи тартибга солиш имкониятини беришдан ташқари, ширкатларнинг, жой мулкдорларининг ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилишига кафил бўлади, реклама майдонлари ижарасидан олинган маблағлар белгиланган мақсадда фойдаланилиши кузатиб борилади.

Шаҳар марказида жойлашган ХУМШлар кўп квартирали уйлар сирт ва ён тарафларидаги 50 кв. метрдан ортиқ майдонни реклама қурилмаларини жойлаштириш мақсадида ижарага топширганлик учун ойига тахминан 80 минг сўм олади. Бир йилда бу сумма 960 минг сўмдан ошади. Ана шундай ўлчамдаги реклама қурилмаси уйларнинг томи ва том пештоқига ўрнатилса, ХУМШ бюджетига ойига 128 минг сўм тушади, бир йилда бу 1,5 млн сўмга боради. Оёқ остида, аниқроғи уйларнинг сирт тарафи, пештоқи ва томида ётган нақд пуллар шулардир.

Шикоятим шуки...

ИШБОШИЛИКНИ КИМ ЗИММАСИГА ОЛАДИ?

Тошкентнинг Марказ-1 мавзесида жойлашган кўп квартирали учта уйда яшайдиганлардан таҳририятимизга келган мурожаатда капитал таъмирлаш ўрнига у ер-бу ери ямалган томдан чакка ўтиб ётиши, лифтларнинг ишламаслиги, иссиқ сув таъминотидаги узилишлар, ширкатларнинг ишларни шартномасиз бажартириши ва шунга ўхшаш бошқа кўпгина муаммолар тилга олинган.

РАИС ҚЎШНИНГ БЎЛСА ЯХШИ-ДА

Раҳбарликка муносиб, ўз ортидан бошқаларни эргаштира оладиган одам топиш қийинлигидан нолиб қўйишади баъзида. Бу борада танловга ҳокимлик, маҳалла ёки бошқа бирон идора бош бўлиши керак деганлар янглишади. Ҳамонки, ширкат **уй-жой фондини биргаликда бошқариш ҳамда уни сақлаш, асраш ва таъмирлашни таъминлаш учун мулкдорларнинг ихтиёрий бирлашмаси** экан, юқорида тилга олинган муаммоларни ҳал этиш ХУМШ аъзоларининг ички ишидир.

Қўни-қўшнилар гапни бир ерга қўйиб, раҳбарлик қилишни баобрў, ҳалол, виждонли, шу уй учун жон куйдирадиган бир одамга ишонадилар. Раис ҳам, бошқарув ҳам уй аҳли устидан турадиган қандайдир устқурма эмас. Зотан улар бошқалар қатори, аммо одамлар ишонч билдирган қўшни. Шу боис уларни ёт санамаслик керак. Мабодо раис зиммасидаги вазифани уддалай олмаётган бўлса, ширкат аъзолари умумий йиғилишда кўпчилик овоз билан бошқа бировни раис этиб сайлаши мумкин. Кўпинча одамлар раис эмас, балки уларнинг ўзлари асосий ҳаракатла-



Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

нувчи куч эканликларини унутиб қўядилар. Барча муҳим қарорлар ширкатнинг олий органи – умумий йиғилиш томонидан қабул қилинади. Қарор, агар ХУМШ аъзоларининг 50 фоизидан ортиғи уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган деб ҳисобланади. Бизда йиғилиш ўтказилмайди ёки ўтказилса ҳам хўжакўрсин қабилида бўлади деган эътирозлар бўлиши мумкин. Демак, қатъиятлироқ бўлинг, **навбатдан ташқари умумий йиғилиш** ўтказилишидан чўчиманг. «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг *(бундан буён матнда Қонун деб юритилади)* 20-моддасида белгилаб қўйилганки, ширкат аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ширкатда камида 10 фоиз овозга эга бўлган ширкат аъзоларининг ташаббусига биноан чақирилиши мумкин.

Кўздек қўшнилар орасидан раисликка ва бошқарув аъзолигига муносиб номзодларни танлаш учун сизга чет маслаҳатчининг кераги йўқ. Шу уйда яшайдиган одам қўни-қўшнисини, уларнинг яхши-ёмон тарафларини, имконият ва салоҳиятини беш қўлдек билади ҳисоб. Борди-ю, сизнинг ширкатингиз раислигига мутлақо ёт одамни тайинлаб қўйишса, уни етарлича баҳолаш мушкул – танимаган одам ҳақида нима ҳам деб бўларди? Бир уйда, бир йўлакда кўп йиллар мобайнида бирга яшаган, яхши ва ёмон кунларда ёнингда турган одам бўлса, бошқа гап.

Қонун кўп қаватли уйда яшайдиганларга шу уйга самарали хизмат кўрсатилишини йўлга қўйиш имконини берадиган зўр воситадир. Қонуннинг принципларидан бири **ўзини ўзи бошқариш** принципи бўлиб, у одамлар ўзлари яшайдиган уйни сақлашни ишониб топширадиган кишиларни танлашларида мужассам топади.

Таассуфки, ХУМШ аъзоларини кўпинча умумий йиғилишга тўплаш қийин. Қўшнилар орасида уй хўжалигига раҳбарликни ўз зиммасига олишни хоҳловчилар бўлмаса, муаммо янада чуқурлашади. Ростини айтганда, бу енгил иш эмас. Айниқса, ўз ҳуқуқларини пеш қилишни ёқтирадиган ширкат аъзолари мажбурият ва бурчни унутиб қўядиган бўлса, инчунин. ХУМШ раҳбари умидни оқламаса, уй аҳли эса кимдандир мадад кутиб, қўл қовуштириб ўтирса, кўп қаватли уй билан боғлиқ муаммолар урчиб кетади. Қонунда эса бундай уйни тақдир ҳукмига ташлаб қўйиб бўлмаслиги назарда тутилган. Кўп квартирали турар жой фондида яшаш хавфсизлиги учун маҳаллий ҳокимият органлари жавоб берадилар. Зотан улар ношуд раис, берилган ҳуқуқларидан фойдалана билмаган лоқайд одамлар туфайли уй ҳаробалик сари юз тутишига йўл қўя олмайдилар. Қонуннинг 19-моддасига биноан ҳокимлик умумий йиғилишга ширкат аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этмаган раисни чақириб олиш, шунингдек ана шу лавозимга номзодлар тавсия этиш масаласини кўриб чиқишни таклиф этиши мумкин.

УЛАРДА БАДАЛ КАМРОҚ...

Кўп квартирали уйдаги умумий молмулкни бошқариш, таъмирлаш, унга хизмат кўрсатиш усуллари ҳар хил бўлиши мумкин ва бу ҳол Қонунда назарда тутилган. Бу усуллардан энг мақбулини ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши танлаб олади *(Қонуннинг 15 ва 19-моддалари)*. Умумий мол-мулкка хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш ишларини ширкатнинг штатдаги ходимлари, квартираларнинг мулкдорлари, бошқарувчи ташкилотлар, жисмоний ёки юридик шахс бўлмиш пудратчилар амалга ошириши мумкин. Қонуннинг 33 ва 34-моддаларида белгилаб қўйилганидек, ширкат билан бошқарувчи ёки бошқарув ташкилоти ёхуд пудратчи ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида йўлга қўйилади. Бу ХУМШда нақд пул ёрдамида бирон-бир юмуш амалга оширилиши қатъиян ман этилади демакдир.

Агар иссиқлик энергияси билан таъминлаш идораси вакиллари иссиқ сув йўқлиги ҳолатини далолатнома билан расмийлаштиришни ва қайта ҳисоб-китоб қилишни истамай оёқ тираб туриб олса, улардан рад этиш сабабини ёзма равишда асослаб беришларини сўранг. Бунда келишувга эришилмаса, судга мурожаат этинг. Тўғри, судлашиб юриш ғалвали иш, аммо керак бўлганидан кейин на илож.

Бошқа бир йўли шуки, иссиқ сув уйингизга кирадиган қувурга ҳисоблагич асбоби ўрнатинг. Бу асбоб коммунал маҳсулот сифати кўрсаткичларини, ҳажмини қайд этиб боради. Оқибатда бу одамлар коммунал хизматлар учун тўлайдиган тўловларда ўз аксини топади. Масаланинг устуворлигини инобатга олиб, дарҳол иш режасига иссиқ сув учун уйга ҳисоблагич ўрнатиш ишини киритинг.

Кўп қаватли уйларда таъмирлаш ишлари ўтказилганига 30 йилдан ошган бўлса, бу уйлар 1991 йилга қадар қурилган уйларни капитал таъмирлашнинг ҳудудий манзилли дастурларига* киритилмоғи керак. Одатда, муҳандислик коммуникациялари бюджет маблағлари ҳисобидан тартибга келтирилади. Аммо мазкур дастурдан ўрин олиш учун уй аҳли 30 фоизли қўшимча молиялаштириш улушини таъминлашлари зарур**.

Қайси таъмирлаш ишлари биринчи навбатда амалга оширилишини одамлар умумий йиғилишда тасдиқлайдилар ва пулларни ана шу мақсадда жамланиши тадоригини кўрадилар. Бунда хусусий уй эгалари билан муқояса қилиш мақсадга мувофиқдир. Негаки, бундай уй эгалари кўп қаватли уйда яшайдиганлар қатори турар жой мулкдори саналади. Фарқи шуки, кўп қаватли уйда яшайдиганлар уйнинг томи, ертўласи, ҳудуди ва шу сингарилар ҳақида коллектив йўсинда, хусусий уй эгалари эса мустақил равишда ғамхўрлик қиладилар. Хусусий уй эгаси таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун ҳокимлик ёки фуқаролар йиғини вакилини кутиб, қўл қовуштириб ўтиришини кўз олдингизга келтира оласизми?! Ахир уй соҳиби ўзининг молиявий имкониятларидан ва таъмирталаблик даражасидан келиб чиқиб бу масалани ўзи ҳал этади. Ширкатда ҳам аслида шундай бўлиши керак. Бор-йўқ тафовут том, ертўла ва уйнинг бошқа мулки умумий эканлиги, қарорни ҳам умумий йўсинда жамоавий қабул қилишдадир.

Мурожаат муаллифлари таъмирлаш ишлари учун рубероид, битум ва бошқа материаллар олиш учун уларга ҳеч ким пул ажратмаётганлигидан мутлақо ноҳақ нолиганлар. Ширкатга ҳеч ким ҳеч қанақа маблағ ажратмаслиги керак. Уйнинг умумий мол-мулкини сақлаш шу уйда яшайдиганларнинг бадаллари ҳисобидан амалга оширилади. Ҳокимликлар имконияти бўлсагина ширкатга материаллар бобида ҳомийлик ёрдами кўрсатиши мумкин. Аммо одатда ўз уйининг ҳолатини яхшилашга астойдил ҳаракат қилаётган ХУМШларга шундай ёрдам қилинади.

Умумий мол-мулкни сақлашга таллуқли мажбурий бадалларни кўпайтиришга келганда шуни айтиш керакки, бунда қўшниларга қараб иш тутиб бўлмайди. Чунки кўп қаватли уйлар техник ҳолатига кўра бир-биридан фарқ қилади. Айтайлик, бир уйда катта харажатли ишлардан қутулиб олингани учун ҳам ширкат асосан жорий хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Бундай ҳолатда бадаллар ҳам унча катта бўлмайди. Уй яқин 30 йил ичида капитал таъмирланмаган, иш бир олам бўлса, аҳвол бутунлай бошқа – бунда яхшилаб «терлаб олишга» тўғри келади. Бадалларнинг миқдори ҳаводан олинмайди, албатта. Бадалларни белгилашда режалаштирилган ва ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилишида тасдиқланган ишларни бажаришга кетадиган харажатларга асосланилади. Борди-ю, жой мулкдорлари бадалларни ҳаддан зиёд кўп деб ҳисобласалар, у ҳолда таъмирлаш ишларини кейинроққа суриш лозим. Бошқача қилиб айтганда, пулга қараб иш бўлади.

Башарти кимдир иссиқ сув таъминоти тизимига уланиб олган бўлса, бунга ким рухсат берганлигини албатта аниқлаш зарур. Бу тармоққа ўзбошимчалик билан уланиш маъмурий ва жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ёки электр, иссиқлик энергияси ёки газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддасига асосан фуқароларга иш ҳақининг 2 бараваридан 3 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 3 бараваридан 7 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлишини унутманг.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

**1991 йилгача қурилган кўп хонадонли тураржой биноларининг умумфойдаланадиган жойлари ва муҳандислик коммуникацияларини 2007-2010 йилларда капитал таъмирлаш жадвали мамлакат Президентининг 2006 йил 25 июлдаги ПҚ-425-сон қарори билан тасдиқланган.*

***1991 йилгача қурилган уй-жойларнинг ички муҳандислик коммуникациялари ва умумий фойдаланиш жойларини капитал таъмирлаш ишларини маблағ билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом Молия вазирлиги, Марказий банк бошқаруви, ДСҚ ва «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг АВ томонидан 2004 йил 14 сентябрда 1408-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЗНЕС ПАНОРАМАСИ

Top

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 12 (245) 2010 йил 20 март

ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАШ МАҚСАДИДА

Комплект нархи 1350 000 сўмдан бошланг

QUVVAT® ишлаб чиқаради

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

Ўзбекистон бозорида 12 йил

ЭЛЕКТРОН СУВ ҲИСОБЛАГИЧЛАР ИССИҚЛИК ҲИСОБЛАГИЧЛАР SUMMATOR-3

Товарлар сертификатланган Хизматлар лицензияланган

Ангрен ш. +(99870) 662 44 77, +(99893) 182 46 57, Тошкент ш. +(99898) 300 22 67

E-mail: sales@quvvat.uz, web-site: www.quvvat.uz

112-09

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ

АНДИЖОН КАБЕЛЬ ЗАВОДИ

TÜV CERT EN ISO 9001

ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ

Тошкент ш., М.Жалил кўч., 92. Тел.: (99871) 150-11-77 (кўп тармоқли),150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

ATK TURON

САМАРАЛИ ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИ ВА ТЕЗКОР БОСМА УЧУН ЕЧИМЛАР

- ✓ Konica Minolta нинг тўлиқ рангли ва монохром копирлари, принтерлари, кўпфункцияли офис тизимлари, сермаҳсул босма тизимлари
- ✓ RISO рақамли мини-босмахоналар, матбаа ускуналарининг кенг доираси
- ✓ ACCO Brands офис ускуналари
- ✓ Персонал компьютерлар ва лицензион дастурий таъминот

KONICA MINOLTA · RISO · ACCO BRANDS

Товар сертификатланган

- Фойдаланишнинг бутун даврига кафолат, техник кузатув
- Оригинал сарфлаш материаллари ва бутловчи буюмлар

100-09

ATK TURON – Konica Minolta, RISO, ACCO Brands нинг расмий ҳамкори

Тел./факс: 237 47 00, 237 48 00. E-mail: info@atcturon.uz. www.atcturon.uz

Ташкилот нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан қуйидагиларни сотади

- ТИҚИНЛИ АРМАТУРА: ЗУЛФИНЛАР, ВЕНТИЛЛАР, КЛАПАНЛАР, ЗАТВОРЛАР, КОНДЕНСАТ ҚАЙТАРГИЧЛАР, КРАНЛАР (зангламайдиган, пўлат, чўян, алюминий, пластмассадан, гуммирланган)
- ЛИФТЛАР 100 дан 5000 кг гача (йўловчи, юк ташувчилар)
- Фавворали арматура ⌀65/350
- Насос Х-250-200-315 Т, Х-200-150-500 К-СD-УЗ ПНС-500/10
- Электр, қўлда ишлайдиган насослар
- МСК 1000/350
- Электр таллар, кран-балкалар (қўлда ишлайдиган, электр)
- КТЦ, УКВ, КТН саноат кондиционерлари
- Дизель кўчма электр станцияси 60 кВт
- Муз генератори (30х30 мм ли кубиклар)
- "Россиянка" электр плиталари (4 конфоркали, духовкаси бор)
- Сув, буғда ишлайдиган калориферлар, КИД, КВУ клапанлари
- Гидрантлар, ўт ўчирувчилар енглари

Товар сертификатланган

021-09

Тел./факс 273-83-86, 273-95-90, 175-81-56 (уяли). E-mail:kaspi64@bk.ru

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖнинг вилоят филиалларида бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. РКМБ Хоразм вилояти филиалининг аукцион савдосига Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан такроран 16.03.2007 йил 370-сонли, 05.10.2007 йил 6262-сонли, 31.12.2007 йил 7075-сонли, 04.08.2008 йил 3894-сонли, 23.09.2008 йил 4918-сонли, 17.10.2008 йил 7707-сонли, 25.11.2008 йил 9892-сонли, 11.05.2009 йилдаги 2483-сонли ижро варақаларига асосан «Хоразм вилояти МТП бирлашмаси» ОАЖга қарашли бўлган, Урганч шаҳар, Ҳонқа кўчаси, 36/2-уйда жойлашган, умумий ер майдони – 3 920,53 кв. метрни, шундан қурилиш ости ер майдони – 569,38 кв. метрни ташкил қилган маъмурий бино, ҳожатхона биноси, чорбоғ девори атрофидаги асфальт майдонлар, йўлаклар, телефон алоқаси миноараси ва қурилиш ости ер майдони – 189,02 кв. метрни ташкил қилган меҳмонхона биноси. **Бошланғич баҳоси – 20 5 264 508 сўм.**

Аукцион савдоси 2010 йил 6 апрель соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги мулклар 2010 йил 6 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, сотилмаган мулкларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йил 22 апрель куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Шунингдек, 2010 йил 20 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Урганч тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган 27.11.2009 йилдаги 22-09060/11511-сонли ижро варақасига асосан Урганч тумани С.Қаландаров фермерлар уюшмаси Ғойбу қишлоғида жойлашган, фуқаро Бабаева Садоқатга тегишли бўлган қуйидаги мулклар: 1. Умумий ер майдони – 1 948,56 кв. метрни, шундан қурилиш ости ер майдони – 301,257 кв. метрни ташкил қилган 2 қаватли маъмурий бино. **Бошланғич баҳоси – 80 000 000 сўм.** 2. Умумий ер майдони – 21 098,75 кв. метрни, шундан қурилиш ости ер майдони – 1 655,06 кв. метрни ташкил қилган гараж биноси, цех №1, №2, ёрдамчи бино №1, №2, чорбоғ девори узунлиги 277,8 п/метр. **Бошланғич баҳоси – 70 000 000 сўм.**

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг Хоразм вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотека» банки «Тинчлик» филиали, МФО: 00580, ИНН: 200933850. Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 23-уй. Телефон: 8 (362) 226-43-64, факс: 224-36-97.

II. РКМБ Самарқанд вилояти филиалининг аукцион савдосига Самарқанд шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда: А) 20.01.2009 й. 2-164-08-сонли ижро варағига асосан хатланган Самарқанд шаҳар, М.Қошғарий кўчаси, 82-уйда жойлашган, қурилиш майдони 689,65 кв. м бўлган қурилиши тугалланмаган савдо мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 446 054 400 сўм. Б) 25.12.2008 й. ЖСК-1-481/2008-сонли ижро варағига асосан хатланган, Самарқанд шаҳар, Аэропорт кўчаси, 9-уйда жойлашган асфальт заводи. Бошланғич баҳоси – 97 785 000 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 6 апрель соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! 2010 йил 6 апрелдаги аукцион савдосида сотилмай қолган мулкларнинг такрорий аукцион савдоси 2010 йил 23 апрель куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Шунингдек аукцион савдосига 2009 йил 21 декабрдаги 1-1101-09-сонли ижро варағига асосан хатланган Самарқанд шаҳридаги «Бельсам-Гилам» қўшма корхонасининг омборида сақланаётган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган «4 МК» русумли «Агрегат Мембранный Компрессор» қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 72 866 319 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 23 апрель соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Ушбу мулк 2010 йил 23 апрелдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда унинг такрорий аукцион савдоси 2010 йил 11 май куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдолари юзасидан барча маълумотларни 233-80-56 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Самарқанд вилоят филиалининг АТ «Турон» банк Самарқанд шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452123, МФО: 00282, ИНН: 200933850. **МАНЗИЛ:** Самарқанд шаҳар, Бўстонсарой кўчаси, 85"А"-уй.

III. РКМБ Навоий вилояти филиалининг аукцион савдосига Навоий шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан ФИБ Кармана т. судининг 21.12.2009 й. 1-1510-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган Нуримов Салоҳиддинга тегишли, Навоий ш., Ғалаба шоҳкўчаси, 4-даҳаси ҳудудидаги ум. майд. 318,63 кв. м бўлган 7 хонали «ВСТРЕЧА» ошхонаси ва савдо дўкони биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 187 500 000 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 19 апрель соат 12.00 да бўлиб ўтади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Навоий филиалининг АТ «Ипотекабанк» Навоий филиалидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: МФО 00205, ИНН 200933850, х/р: 20210000300571452458. Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси, 24-уй, Навоий вилоят Давлат мулкини бошқариш бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават. Тел.: 8 (436) 22-4-15-61, 22-4-64-31.

IV. РКМБ Сирдарё вилояти филиалининг аукцион савдосига Гулистон шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг 2009 йил 4 ноябрь кунги ижро варақасига асосан қарзни ундириш эвазига хатланган, Гулистон шаҳар 3 мавзе ҳудудида жойлашган, умумий қурилиш майдони 163,40 кв. м, умумий фойдали майдони 116,08 кв. м дан иборат бўлган савдо маркази биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 127 515 676 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 27 апрель соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Сирдарё вилоят филиалининг ДТ Халқ банки Сирдарё шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: МФО 00760, ИНН: 200933850, х/р: 20210000800571452122. Манзил: Гулистон шаҳар, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 56-хона. Тел.: (8-367) 726-28-93, 26-38-91.

Юқорида кўрсатилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Диққат!

Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг ҳудудий филиаллари бюджет ташкилотлари ҳамда давлат унитар корхоналари мол-мулкларининг оммавий савдоларини ташкил этишини алоҳида маълум қилади. Оммавий савдолар мулк эгасининг ихтиёрига кўра бевосита жойларга чиқиб ўтказилиши мумкин.

www.rkmb.uz. Лицензия: DB 001 №000004.

• РЎЙХАТЛАР

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 10 мартдаги ҳал қилув қарорларига асосан Собир Раҳимов туманидаги умумий тартибда банкрот деб топилган ва тугатиш жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Қарор рақами
"ТОШТЕХМОНТАЖ" ШК	10-1020/1688(19)
"REAL EXIM" МЧЖ	10-1020/1691(19)
"FAYZULLA ZIYOD" МЧЖ	10-1020/1710(19)
"DARMON OMAD" МЧЖ	10-1020/1686(19)
"CYTI CAB SERVIS" МЧЖ	10-1020/1690(19)
"ROSMETALL PRODUKT" МЧЖ	10-1020/1693(19)
"LITOS TELEKOM" МЧЖ	10-1020/1692(19)
"Актив Коммунал Сервис" МЧЖ	10-1020/1687(19)
"BALAND IMORAT" МЧЖ	10-1020/1689(19)

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчилари этиб Собир Раҳимов туман ДСИ ходимлари К.Сайдуллаев, Х.Қосимов ва Б.Хаитбоев тайинланган. Ушбу корхоналарнинг думалоқ муҳр ва учбурчакли штамплари бекор қилинади. Корхоналарга алоқадор шахслар ва корхоналар 1 ой давомида ўз аризалари билан мурожаатларини Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, Собир Раҳимов туман ДСИ биноси, 11-хонага билдиришлари мумкин.

***Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 5 мартдаги қарорларига асосан Чилонзор туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

Корхона номи	Қарор рақами
"GESTOMED-SERVIS" ХК	10-1020/2532(21)-т
"SHOD-MEHR-SHIFO" МЧЖ	10-1020/2533(21)-т
"IOPOSAN" ХК	10-1020/2534(21)-т
"CHERNOBIL-FARZANDI" ШК	10-1020/2535(21)-т
"Сабина-К.К." ХФ	10-1020/2536(21)-т
"JIHOZLASH-MK" ХК	10-1020/2537(21)-т
"BIO-ENERGIYA TASHKENT" МЧЖ	10-1020/2538(21)-т
"I-F-S ELISTRIADA" ХК	10-1020/2539(21)-т
"PALMIRA LUXE PLUS" МЧЖ	10-1020/2540(21)-т
"RUZAFSUN" ХФ	10-1020/2541(21)-т
"DENTA STAR SERVIS PLUS" ХК	10-1020/2542(21)-т
"HADIMETOV UMID AKHMADBAEVICH" МЧЖ	10-1020/2543(21)-т
"OMMONIY-HIM-SULFAT" МЧЖ	10-1020/2544(21)-т
"ASL-MEDIA" МЧЖ	10-1020/2545(21)-т

Ушбу корхоналар муҳри ва бурчак тамғалари ўз кучини йўқотган деб топилсин. Чилонзор тумани Ҳокимияти корхоналарни тугатиш комиссияси эълони чоп этилган санадан эътиборан барча даъволар 2 ой муддат ичида Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 50-уй манзили бўйича ҳамда 276-75-23, 276-26-86 телефонлари орқали қабул қилинади.

"Аудит-ВАРН" МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУТУН ҲУДУДИДА, БҲМС ВА МҲХС БЎЙИЧА ИСТАЛГАН ТУРДАГИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ
126-10
2008 йил 16 майдаги 000172-сон лицензия
Тел.: 8(371) 2762099, уяли +99897 1192248
Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 42.,
Тошкент вил., тел. +99897 4541664
Жиззах вил., Самарқанд вил.,
тел.: +99897 7725298, +99897 1192248

ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сонли гувоҳномаси.
28.03.2008 йилдаги 00642-сонли лицензия.
"AMIR-AUDIT" МЧЖ
• Ҳамма турдаги аудиторлик хизматлари
• Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш
Устав капиталимиз - ЎзРдаги 5000 ЭКИХдан ортиқ
САР сертификатига эга аудиторлар керак.
Тел: 409-04-23. Факс: 294-77-48

"NAZORAT-AUDIT" МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
МВнинг 28.07.2008 йилдаги 00067-сон лицензияси
Барча хўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик текширувлари
Хизматлар халқаро малакага эга аудиторлар томонидан кўрсатилади
e-mail: nazorat_audit@mail.ru
8-371-2794716, +99897 402-05-00
+99869 258-57-97, +99897 340-98-65
8-371-2794401

"AUDIT INCOME" МЧЖ
барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказамиз
Н1375
Хизматлар лицензияланган 29.12.2007 йилдаги АФ 00181-сон лицензия.
БАРЧА ТУРДАГИ ХИЗМАТЛАР:
• аудиторлик • солиқ солиш
• консалтинг • тиклаш
Бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, "1С: Бухгалтерия", шунингдек янги барпо этилаётган ташкилотлар учун хизматлар ва бошқа малакали хизматлар.
Манзил: Тошкент ш., Сарабўстон кўч., 3а, 2/15 корпус
тел.: (+99871) 256-25-18, 254-06-08
e-mail: inkam_co@mail.ru www.audit-income.uz

ЭЪЛОНЛАР

ИШ

Баҳоловчилар керак.
Тел.: (+99890) 302-68-60, 353-04-64.

СОТИЛАДИ

Ташкилот HYUNDAI "VERACRUZE" (жип) автомашинасини сотяпти, 2008 й. и/ч, 14 500 км йўл босган, 7 ўринли, люк, электр пакети, салони - қора чармли, орқа эшиги автоматик тарзда очилади, дисклари – R18, ранги – "ҳаворанг оникс" (садаф тусли). Тўлов – накд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан, 110 000 000 сўм. Савдолашилади.
Тел. 310-77-70.

ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ

Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш ва тиклаш. Аналитик хизматлар. Маслаҳат бериш.
Тел. 400-16-25.

"Декларант-плюс" дастури. БЮДни тўлдириш, божхона тўловлари ҳисоб-китоби, муҳрлаш, ДБҚга электрон нусхасини юбориш. Батафсил маълумотлар http://mind-system.narod.ru сайтида.

БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ

Баланслар. Маслаҳатлар бериш.
Тел. 100-65-80.

БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ

Асосий фондлар, кўчмас мулк, автотранспорт, ускуналарни қайта баҳолаш.*
Тел.: (+99898) 302-68-60, 245-75-47.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИ. АРЗОН.* Тел. 176-23-13.

— Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари.*
Тел.: 370-63-06, 263-77-29.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр.*
Тел. 448-74-69.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш.*
Тел.: 343-41-56, 448-74-69.

ХИЗМАТЛАР

Таржималар бюроси: турли ҳужжатларни малакали таржима қилиш. Қонунийлаштириш.
Тел.: 252-38-71, 454-80-01.

Видео-, фотосуратга олиш.*
Тел. (+99897) 709-20-17.

Корхона ва ташкилотларга. Турли металл конструкциялар тайёрлаймиз.
Тўлов – исталган шаклда. Терминал. Тел. 100-10-81.

Хизматлар лицензияланган.

• РЎЙХАТЛАР

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 3 мартдаги 10-1020/2233-сонли ҳал қилув қарорига асосан Миробод туманидаги "AGZAMBEK SAVDO" ХК (СТИР 300070562; рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами: 05.12.06 – 002242-03; КТУТ: 21464073) ҳамда 10-1020/2234-сонли ҳал қилув қарорига асосан "KONTINENTAL MAX" МЧЖ (СТИР 300736364; рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами: 27.02.08 – 003073-03; КТУТ: 22321519) банкрот деб топилган ва тугатишга доир ишлар бошланган. Тугатиш бошқарувчиси этиб С.Абдураҳимов тайинланган. Мазкур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар йиғилиши 2010 йил 29 март куни ўтказилади. Банкротликка оид тугатиш ишлари давом этмоқда. Кредиторлар даъволари эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Нукус кўчаси, 23а-уй, 607-хона.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 17 мартдаги 10-1020/2269-сонли ҳал қилув қарорига асосан Миробод туманидаги "INDUSTRIAL MANAGEMENT" МЧЖ (СТИР 300821781; рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами: 01.05.08 – 003214-03; КТУТ: 22415575) банкрот деб топилган ва тугатишга доир ишлар бошланган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Т.Муртазаев тайинланган. Мазкур корхонанинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар йиғилиши 2010 йил 1 апрелда ўтказилади. Банкротликка оид тугатиш ишлари давом этмоқда. Кредиторлар даъволари эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Нукус кўчаси, 23а-уй, 607-хона.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 15 мартдаги қарорларига асосан Бектемир туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Қарор рақами
"SAIDA BOBIR" ХК	10-1019/2887
"ERKLIT MELTING" ШК	10-1019/2888
"FARRUX PRO" МЧЖ	10-1019/2889
"RIA-RAM" ХК	10-1019/2890
"FENIKS PLYUS" МЧЖ	10-1019/2891

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари бекор қилинади. Кредиторларнинг даъволарини тақдим этиш учун эълон босилган кундан бошлаб 2 ой муддат белгиланган. Кредиторлар даъволари қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Бектемир тумани, Х.Бойқаро кўчаси, 2-уй. Тел. 295-02-80.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 2 мартдаги ҳал қилув қарорларига асосан Юнусобод туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	ОКПО	Қарор рақами
"MEDIA-MARKET" МЧЖ	203858435	18373240	10-1004/2326-Т
"ЦАФ МАНИОИ"	201968814	16366772	10-1004/2323-Т
"LARS-MEVA" МЧЖ	202565484	17003600	10-1004/2320-Т
"ASBOB-TA'MIR" МЧЖ	203780771	18307503	10-1004/2306-Т
"SALOXITDIN-OTA" ХФ	204110471	18656310	10-1004/2321-Т
"REAL QURUVCHI" ХК	205058764	19593480	10-1004/2325-Т
"DIMINUR TRAVEL" MCHJ	300537865	21914980	10-1004/2335-Т
"DIZAYN-BIZNES-ART" MCHJ	205236234	19782659	10-1004/2333-Т
"EVRIKA BIZNES" MCHJ	205281354	19852438	10-1004/2331-Т
"TECHNOCOM INTERNATIONAL" MCHJ	205305805	19854845	10-1004/2329-Т
"ORDERING OF THE REAL ESTATE"	300668330	22220437	10-1004/2328-Т
"ИГОНИК" УК МЧЖ	202076698	16413158	10-1004/2327-Т
"IMPROVEMENT PLUS" MCHJ	205872884	20471486	10-1004/2322-Т
"BRISTOL-SERVIS" ХК	206268075	20810534	10-1004/2330-Т
"BOTIRBEK-SAVDO-SERVIS" MCHJ	206669541	21308340	10-1004/2332-Т
"NIGINA OYDIN" ШХЖ	202980025	17395876	10-1004/2336-Т
"MEBEL PROM TECHNOLOGY" MCHJ	300452711	21915689	10-1004/2334-Т
"PLANET TRUST TREAD" MCHJ	300604323	22101291	10-1004/2324-Т
"VILOR-MOTORS" SHK	300813934	22413671	10-1004/2319-Т
"PRIDE BUSINESS" MCHJ	300836081	22414088	10-1004/2317-Т
"SERVIS-INVEST-GROUP" MCHJ	300905067	22525559	10-1004/2316-Т
"SHAXRIYOR FAYZ" ХК	300878821	22430913	10-1004/2315-Т
"TASH AGRO EXPORT" MCHJ	300928078	22526116	10-1004/2313-Т
"WAY TECH-TRADE" ХК	300967766	22535813	10-1004/2312-Т
"G'AYBULLAYEV-BIZNES" ХК	300979743	22536190	10-1004/2310-Т
"STARTRAIL" MCHJ	300986205	22580433	10-1004/2308-Т
"LIGHT STONE" MCHJ	300993244	22580618	10-1004/2309-Т
"DURDONA FARM" МЧЖ	206983191	22613186	10-1004/2307-Т

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари, шунингдек Давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари ва барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Юнусобод тумани Ҳокимияти қошидаги махсус тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан туман махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда Давлат реестридан чиқарилади. Тел.: 235-52-52, 234-71-99, 234-10-29.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 10 мартдаги ҳал қилув қарорларига асосан Юнусобод туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	ОКПО	Қарор рақами
"КАМИ УЗБЕКСКО-АМЕРИКАНСКОЕ" ҚК	201308621	15777987	10-1004/2763-Т
"РОДЕНА"	201861972	16241421	10-1004/2758-Т
"MUZAFFAR TAYANCHI" XF	202887281	17295882	10-1004/2757-Т
"MIS-MM" XF	204189753	18719602	10-1004/2760-Т
"RAEN" MCHJ	204193623	18719683	10-1004/2759-Т
"KOMMUNISSIQLIKQURILISH" MCHJ	204208206	18720025	10-1004/2746-Т
"TEXNOSTIL-VEGA" ХК	204277557	18816759	10-1004/2747-Т
"NIGORA-NODIR" XF	204514127	18989649	10-1004/2748-Т
"STAR-STUD BUSINESS" MCHJ	206586456	21160038	10-1004/2749-Т
"MATTEYA" XF	204656876	19205710	10-1004/2736-Т
"MATO-TEX" MCHJ	204856604	19392729	10-1004/2764-Т
"MASS MEDIA OLAM" MCHJ	205058740	19593468	10-1004/2754-Т
"FOR U-GROUP" MCHJ	206761373	21347601	10-1004/2738-Т
"ZIYOKOR PLYUS" MCHJ	206748522	21346234	10-1004/2742-Т
"AMIN-B SERVIS" MCHJ	206140552	20661732	10-1004/2741-Т
"FAROVON BIZNES" MCHJ	206176848	20663642	10-1004/2761-Т
"DIOR GRAND ELIT" MCHJ	206388472	20964898	10-1004/2739-Т
"TORINO MOTORS" ХК	206695764	21310012	10-1004/2740-Т
"AGRO-URUG'CHI" MCHJ	206476506	20968933	10-1004/2762-Т
"GAYEXIM BROKER" MCHJ	206501577	20967537	10-1004/2766-Т
"FUTURE-MEDIA TRADE" MCHJ	206524034	21158515	10-1004/2765-Т
"OYDIN-MA'LUMOT" MCHJ	206704324	21339085	10-1004/2735-Т
"MAO SEKURITI" MCHJ	206733691	21343551	10-1004/2734-Т
"KODVIK VOSTOK STROY" MCHJ	300015906	21461662	10-1004/2744-Т
"PAKHSH AVVAL TASHKENT" SHK	300649647	22220251	10-1004/2731-Т
"KOTANDJI-TRADE" MCHJ	300086992	21462868	10-1004/2737-Т
"ASR KOMP SISTEMS" MCHJ	300370545	21558522	10-1004/2750-Т
"CHAQMOQ-BIZNES" ХК	300509875	21914566	10-1004/2732-Т
"SHAX KLASSIK" ХК	300675845	22220498	10-1004/2755-Т
"TETRA PLUS" MCHJ	300756349	22255580	10-1004/2745-Т
"LIDER NET INVEST" MCHJ	300816637	22413694	10-1004/2752-Т
"POLSHA TRADING" MCHJ	300827773	22413889	10-1004/2743-Т
"PIRADDIN MAX" ХК	300866924	22430636	10-1004/2753-Т
"NEUNDO GOLD" ХК	300979688	22536184	10-1004/2756-Т
"CITY SERVICE" ХК	300830272	22415181	10-1004/2730-Т
"AVTOLIZING SERVIS PLYUS" MCHJ	301021828	22625380	10-1004/2733-Т
"TOIR OQSHOMI" XF	202976567	17398395	10-1004/2751-Т

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари, шунингдек Давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари ва барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Юнусобод тумани Ҳокимияти қошидаги махсус тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан туман махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда Давлат реестридан чиқарилади. Тел.: 235-52-52, 234-71-99, 234-10-29.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ
2006 йил июндан чиқа бошлаган
ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ
Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: sbxaxbor@mail.ru
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи-назарига мос келавермайди.
Таҳририят огоҳлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун таҳририят жавобгар эмас. Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPRINT" МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Буюртма 509 Адади 5810. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2010 йил 19 мартда соат 20.30 да топширилди.
ISSN 2010-5223